O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 18-may, chorshanba ● № 20 (720) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ПРЕЗИДЕНТ ДЕҲЛИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патилнинг таклифига биноан 17 май куни давлат ташрифи билан Деҳли шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВ ДЕҲЛИГА КЕЛДИ

Деҳли, 17 май. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патилнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Деҳлига келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 18 майга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патил, Бош вазири Манмоҳан Сингх, шунингдек, Сенати Спикери, вице-президенти Муҳаммад Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

Музокаралар якунида мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ҚАШҚАДАРЁ: истиқлол нурига чулғанган воҳа

Саранжом-сариштa, файзли хонадон. Қуёшнинг заррин нурлари олма шохидан сирғалиб ҳовлига сепилган сувда жимир-жимир қилади. Асрларни қаритган чинор остидаги супада ўтирган онахон бу гўзалликка маҳлиё бўлиб, тўймай боқади. Атрофида чуғурлашиб ўтирган набираю эваларига ёшлик хотиралари, умр саҳифаларидаги кечмишлардан сўйлайди...

Китоб туманида истиқомат қилувчи бу нуроний онахон — 107 ёшли Умида момо Холмуродованинг бугун тилида, дилида шукроналик.

— Шундай кексаликка, ҳур замонларга етказганига шукур. Бу кунларни кўзга тўтиё қилсанг арзийди. Ўтган йили мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида ҳукуматимиз томонидан «Шуҳрат» медали билан тақдирланганимни эшитиб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Мени қадрлаган юртимдан, Юртбошимдан ўргилай, — дейди у ҳаяжон ила.

Дарҳақиқат, кексаларни қадрлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш азалдан қон-қонимизга сингиб кетган фазилатдир. Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда, Умида момога ўхшаган пиру бадавлат, дуогўй онахону отахонларимиз доимо эъзозда. Шу эъзоз-эҳтиром, савоб ишлар ўтаётган кунларимизни нурафшон айлаётган, юртимиз тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаётган бўлса, не ажаб.

...Кафтдек текис йўллар гўзал воҳанинг бетакрор маскани — Қарши томон элтади. Йўл-йўлакай сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқлар, аҳёнаҳёнда кўзга ташланадиган газ машъалалари, бепоён далаларда меҳнат қилаётган деҳқону миришкорлар диққатингизни ўзига тортади.

Қарши шаҳри истиқлол йилларида тамоман ўзгача қиёфа бахш этди. Бу қадим ва муаззам шаҳарда қад ростлаган ўнлаб замонавий иморатлар, кенг ва равон кўчалар, кўркам хиёбонлар, муҳташам таълим масканлари киши қалбида ифтихор туйғуларини уйғотади. Айниқса, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланиши муносабати билан ҳудуд қиёфаси бутунлай ўзгарди.

3 »

ЯНГИ БАЛИҚ ТУРЛАРИ ТОПИЛДИ

⇨ 5-бет

Халқаро табиатни сақлаш жамияти мутахассислари Бали ороли атрофида балиқларнинг саккизта янги турини топдилар. Олимлар орол атрофида 33 та алоҳида ҳудудни тадқиқ этишди. Икки ҳафта давомида умумий ҳисобда 952 та балиқ ўрганиб чиқилди, улардан саккизтаси янги тур бўлиб чиқди. Шунингдек, маржонларнинг ҳам янги тури аниқланди.

ЭЗГУЛИК ПОЙТАХТИ

⇨ 6-7-бет

Бугун мамлакатимиз пойтахтига нисбатан ишлатилаётган «Шарқ дарвозаси», «азим шаҳар» каби эътирофлар қаторига янгидан-янги, сермазмун атамаларни қўшиб айтиш одат тусига кирмоқда. Шу кунларда Тошкент ҳақида ўйласам, тилимга ҳам дилимга ҳам «Эзгулик пойтахти» деган ибора келаверади.

КУЙЛА, ЧАНҚОВУЗИМ!

⇨ 8-бет

Сочига оқ оралаган Тамара опа чанқовузида наво чертганида уни ўн саккиз яшар қиздан кам кўрмадим. Унинг оҳанг оғушида солланишларини кўриб, "Яшанг, опа!" деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

✔ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

Суд холислик ва одилликни таъминлайди

Мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич демократлаштириш, судни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган галдаги вазифаларга тўхталиб, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди", деган таклифни баён этди.

Дарҳақиқат, амалдаги процессуал қонунчилик, жумладан, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган нормаларга кўра, суд ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор билан бир қаторда ўз ваколати доирасида жиноят ишини қўзғатиши шарт.

2 »

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

журналистика соҳасида республика танлови

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айём. Бу йил халқимиз Ватанимиз тарихидаги қутлуғ сана — мамлакатимиз миллий мустақиллигининг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги катта тарихий ва шонли воқеа — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб журналистика соҳасида **«Энг улуғ, энг азиз»** республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" деган ғоя мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мустақилликнинг ўтган йигирма йили мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш, бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маънавият ва маърифат соҳасида эришилган улкан ютуқ ва натижаларимиз, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама очиб берилган бўлиши керак.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги соҳалари бўйича ўтказилади:

— матбуот (1-, 2-, 3-ўрин);
— телевидение (1-, 2-, 3-ўрин);
— радио (1-, 2-, 3-ўрин);
— интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари (1-, 2-, 3-ўрин).

Бундан ташқари, юқоридаги соҳаларнинг ҳар биттаси бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87
www.Journalist.uz

Суд холислик ва одилликни таъминлайди

(Бошланиши 1-бетда.)

Судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни ёки фуқаровий ёхуд бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотлар аниқланган ҳолларда жиноят ишини қўзғатиб, бу тўғрисида ажрим чиқаради ва ишни дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юборади. Бундан ташқари, Хўжалик процессуал кодекси 152-моддасининг учинчи қисмида "Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши қўзғатади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўяди", деган норма белгиланган. Мазкур нормага мувофиқ, бугунги кунда хўжалик судлари ҳам жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга.

Шу ўринда статистик маълумотларга мурожаат этсак. Жиноят ишлари бўйича республика судлари 2009 йилда жами 145 та, 2010 йилда 123 та жиноят иши қўзғатган. Республика хўжалик судлари томонидан эса 2008 йилда жами жиноят иши қўзғатиш тўғрисида чиқарилган хусусий ажримлар сони 47 тани, 2009 йилда 42 тани, 2010 йилда 32 тани ташкил этган. Демак, ўтган йиллар давомида хўжалик судлари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари статистикаси, гарчи хўжалик судлари жиноят иши қўзғатишга ваколатли бўлса-да, улар томонидан жиноят ишларини қўзғатиш амалиёти йилдан-йилга камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу ҳам давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклиф, яъни судлардан жиноят иши қўзғатиш ваколатини чиқариш ўз вақтида қабул қилинган қарор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Энг муҳими, жиноят ишини қўзғатиш, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади. Қолаверса, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқиб ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Табиийки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади — одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

Хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Германия ЖПКнинг 170-моддасига кўра, жиноят иши прокурор томонидан қўзғатилади ва тегишли судга юборилади. Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, прокурор, терговчи ва суриштирувчи, Украина Жиноят-процессуал кодексининг 98-моддасига биноан прокурор, терговчи, суриштирув органи ёки судья жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга.

Процессуал қонунчиликда суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқаришни назарда тутадиган норманинг белгиланиши, биринчидан, суднинг мустақиллигини, ишни кўришда холислиги ва адолатли қарор қабул қилишини, пировардида, одил судлов тамойиллари янада ривожланишини; иккинчидан, судьяларни суднинг одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайдиган жиноий таъқиб билан боғлиқ ваколатдан халос бўлишини; учинчидан, суднинг жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасидан чиқарилишини таъминлайди. Шу боис, Президентимизнинг жорий йилнинг 14 январида қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга оширилишига доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида нафақат ҳарбий ва жиноят ишлари бўйича судлардан, шу билан бирга, хўжалик судларидан ҳам жиноят иши қўзғатиш ваколатини чиқаришни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига ва Хўжалик-процессуал кодексининг 152-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Бош прокуратура, Олий суд ва Олий хўжалик судига биргаликда ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал қонунчиликка суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатининг чиқарилишини назарда тутадиган норманинг киритилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг мантиқий давоми сифатида суднинг холислигини таъминлашга хизмат қилади. Пировардида, судьянинг ўзи қўзғатган жиноят ишига келгусида ўзи муносабат билдиришининг олдини олиш орқали судланувчининг қилмишларига нисбатан адолатли қарор қабул қилинишига муҳим омил бўлади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Фаолият

Ҳар ишнинг ўз масъулияти бор

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, янгиланишлар ва албатта, эришилган натижалар негизида ҳар бир касб эгаларининг ўзига хос ҳиссаси бор. Тошкент вилояти ИИББ ЁХБ Ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳиби, подполковник Носиржон Исроилов билан инсоннинг ўзи эгаллаган касбига, халқига, қолаверса, Ватанига бўлган фидойилиги хусусида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик мен учун биринчи галда очиқлик, ошкоралиқдир, — дейди суҳбатдошимиз. — Боиси, соҳада фаолиятимни бошлаганимдан бери ишнинг паст-баландини, касб юзасидан бўладиган турли хил вазиятларни кўрдим. Илгари касбимиздаги баъзи камчиликларга дуч келганингда ичинг куйиб турган бўлса-да, очиқ гапиролмасдинг, тартиб шунақа эди. Соҳамизда бўладиган ҳар қандай ҳаракат учун Москвадан буйруқ кутардик. Мабодо, бирон қишлоқдаги уйга ўт кетса, унинг сабабларини аниқлаб, бартараф этиш учун "юқори"ни хабардор қилгач, кўрсатма олардик. Ваҳоланки, касбимизда биринчи навбатда тезкорлик ва чаққонлик талаб этилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш мақсадида барча ташкилотлар ўзлари учун алоҳида қўлланма яратиб олишганди. Биз уларни иш юзасидан текшириб борганимизда қўлимизда ўша ташкилотнинг китобчаси бўлиши керак эди. 1997 йилда чиқарилган "Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари" тўпламмаси ишимизни анчагина енгиллаштирди.

— Албатта, ҳурриятга эришганимизнинг дастлабки йилларидаёқ ҳар бир соҳага доир қонунлар, меъёрий ҳужжатлар яратилди. Бу эса мазкур соҳаларнинг такомиллашувида, ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда...

— Тўғри айтасиз. Чиндан ҳам, 2009 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бизнинг соҳада том маънодаги янгилик бўлди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бирортасида ҳам ҳали кузатилмаган эди. Қонун 6 боб, 40 моддадан иборат бўлиб, унинг амалиётга жорий этилиши соҳада тўпланиб қолган кўпгина муаммоларни бартараф этишга хизмат қилди.

Ҳозир ёнғин хавфсизлиги соҳасига жорий этилган янги технологиялар айнан мустақиллик йилларида юзага келди, эскилари янгилари билан алмаштирилди. Германия, Франция каби илғор давлатлардан вилоят ўт ўчирувчиларига катта имкониятларга эга бўлган ўт ўчириш автомашиналари олиб келинди. Энг муҳими ва қувонарлиси, айни вақтда ўзимизда, Самарқанд шаҳрида "Isuzu" русумидаги ёнғин ўчириш машиналарининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, 1991-2010 йиллар ичида вилоят миқёсида 12 та ҳарбийлашган ва 5 та ихтисослашган ёнғин хавфсизлиги қисми барпо этилиб, ўнга яқин ёнғин ўчириш машиналаримиз капитал таъмирдан чиқарилди. Катта маблағ ва эътибор талаб этиладиган бу ишларни амалга оширишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланишимиз бизни янада кўпроқ ишлашга руҳлантирмоқда.

— Жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши ёнғин хавфсизлиги ходимлари зиммасига қандай масъулият юклайди?

— "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси юзасидан бу йил вилоятимизда янгидан-янги тадбиркорлик объектлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда. Биз бундай шохобча эгаларига, тадбиркорларга ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари лозимлиги, бунинг аҳамияти тўғрисида тушунтиришлар олиб боряпмиз. Масалан, вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вилоят комиссияси иштирокида уч кунлик семинар-машғулот ўтказдик. Бу тадбир энди иш бошлаган тадбиркорлар учун амалий ёрдам бўлди, деб ўйлайман.

Шу кунларда кунлар исиб, экинлар айни ҳосилга кираётган пайтда жойларда бўлгани каби вилоятимизда ҳам дала ва экин майдонларида ёнғиннинг олдини олиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз таъкидлаб ўтганидек, ўтаётган йигирма йилда ёнғин хавфсизлиги соҳасида эришилган ютуқлар салмоғи жуда катта. Озод ва тинч юртда дўст-ёронлар билан бирга истиқлол нашидасини баҳам кўраётганимизнинг ўзи буюк саодат. Ўз касби-кори билан Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳар бир юртдошимиз алоҳида ҳурматга, эътиборга муносибдир.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди.

БЕГОНА КАТАКДА ҚИЧҚИРАЁТГАН "ХЎРОЗ"ЛАР

ёхуд ниятига етолмаган босқинчилар қаердан қўним топди?

2005 йилнинг май ойида Андижонда бир гуруҳ бузғунчилар томонидан Фарғона водийси ҳудудида ўрта асрларга хос халифалик давлатини қуриш мақсадида уюштирилган террористик хуружлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан бартараф этилгани аллақачон тарих саҳифаларидан жой олиб улгурган.

Бир қарашда, бу ҳодисалар ўз якунини топган, ҳаммасига тегишли тартибда нуқта қўйилгандек туюлади. Зеро, бир қатор хорижий дипломатлар, журналистлар иштирокида ўтган суд жараёнида ушбу фожиали воқеаларнинг айбдорлари ўз қилмишига яраша жазога тортилди.

Ўша пайтда айрим ғарб оммавий ахборот воситалари томонидан содда ўқувчиларни ишонтириш мақсадида ўйлаб топилган "Андижон қирғини", "тинч намойишчиларни ўққа тутиш" сингари бўҳтон ва иғволи гапсўзлар ҳам бўш ва асоссиз даъво экани исботланди.

Аммо вақти-вақти билан, хусусан, ўша ҳодисалар юз берган сана арафасида халқаро интернет сайтларида яна ўша "эски қўшиқ" оҳангидаги материаллар пайдо бўла бошлайди. Шунда айрим ҳодиса иштирокчиларининг беихтиёр адолатли ҳукмдан қочиб, баъзи бир Европа мамлакатлари ва Америкадан иссиқ-қина бошпана топгани, айни чоғда ўша ердаги барларда хотиржам виски симираётгани, қаерлардадир сафсата сотаётгани, кимлар биландир тил бириктириб юргани, умуман ҳали ўз ғаразли мақсадларидан воз кечмагани маълум бўлади.

Мен биринчи бор 2005 йилнинг май ойида ўша қонли воқеалар сабабчиларидан бир гуруҳи ўрнашиб олган Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида "Андижон — Адолат ва тикланиш" деб номланган ташкилот очилганини эшитганимда, ғазабдан ўзимни қўярга жой тополмай қолгандим. Улар ана шундай қутлуғ сўзлардан жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишга қандай журъат этишди экан?

Ахир, улар қанақа адолат ҳақида бонг урмоқда? 2005 йилда Республика Олий суди биносида Андижон воқеалари иштирокчилари устидан бўлиб ўтган суд жараёнида залда ўтирган бир қатор одамлар, жумладан, хорижлик журналистлар ҳам ўзларини базўр тийиб ўтирганларини яхши эслайман.

Ўша пайтда келтирилган бир қатор фактлар ҳамон ёдимда. Масалан, "Жигули" машинасида ҳеч нарсадан хавотир олмай янги дунёга келган чақалоқларини бағрига босиб, ота-онаси билан туғуруқхонадан қайтаётган ёш эр-хотинни қуролланган жангарилар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз автоматдан ўққа тутишган. Машина ағдарилиб кетган ва ундаги йўловчилар ўша ердаёқ ҳалок бўлган. Бир андижонлик оила сабрсизлик билан кутган қувончли воқеа ана шундай тарзда аянчли хотима топган.

Ана шундай мудҳиш хатти-ҳаракатларнинг сабабчилари энди ўзича адолат ахтармоқдами?

Бу ташкилотнинг раҳбари аллақандай Н.Мақсудов деган кимса эканини эшитганимда, беихтиёр ўзимга ўзим савол бердим: наҳотки бу ўша, 2005 йил май ойида Андижонда юз берган қонли воқеаларнинг ташкилотчиларидан бири, қотил ва фитначи, босқинчи акромий Нурилло Мақсудов бўлса. Бўлиши мумкин эмас! Эҳтимол у бошқа одамдир?

Ҳа, Германияда "ин қўйиб" олган акромийларни ҳимоялаш учун кўксига муштлаётган бу кимса айнан ўша, қўли бегуноҳ одамларнинг қонига беланган, бир қатор жиноятларни амалга ошириб, одил суддан қочиб юрган андижонлик Мақсудовнинг ўзгинаси эди.

"Акромийлар" сафига Мақсудов 1996 йилдаёқ қўшилган, ушбу экстремистик ташкилот «раҳнамо»си Акром Йўлдошевнинг шахсий кўрсатмасига кўра, ушбу гуруҳнинг мутасаддиларидан бири этиб тайинланган эди.

Нурилло раҳбарлиги остида бу ерда бутун Марказий Осиё минтақасида бугунги мавжуд давлат тузумларини ағдариб, ўрта асрларга хос халифалик давлатини қуриш ғоялари билан суғорилган "Ҳақиқатга йўл" китоби бўйича ёш йигитлар билан ҳафталик машғулотлар олиб борилган.

Қизиғи, «ҳақиқатга йўл" Калашников автомати ва бошқа ўқотар қуроллардан фойдаланиш орқали "очиб берилган". 2005 йил май ойидаги фожиали воқеалар пайтида штабнинг бошқарув аъзоси, бир қатор террористик хуружларни уюштирган, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлган босқинчилик ва қотиллик жиноятларининг ташаббускори ана шу кимса эди.

Унинг топшириғига кўра, шаҳар прокурори ва уч нафар ҳарбий отиб ташланган. У жавоб ҳужумини уюштириш мақсадида ҳарбийлар тарафига ўт очиб, ўзи қўрқоқларча тинч аҳоли вакиллари ортига бекиниб олганди.

Террористик ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг, Н.Мақсудов ўзининг омадсиз босқинчилари ва бошқа акромийларга қўшилиб, Қирғизистонга, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссариати бошқармаси томонидан ташкил этилган "қочоқлар" лагерига йўл олади.

Кейин эса, "қочоқ" мақомини олиб, оиласи билан Германияга олиб кетилган, айни пайтда ўша ерда истиқомат қилади. Ҳатто турма ҳам ҳазар қиладиган ана шундай кимса эндиликда "Адолат ва тикланиш" ташкилотининг раҳбари бўлиб турибди.

Хўш, ташкилотнинг мақсади нима экан? «Жарангдор мақсадлар»: "2005 йил май ойида Андижонда юз берган воқеалар иштирокчиларига кўмаклашиш". Албатта, "иштирокчилар" деганда, сўзсиз қотил, босқинчи ва бузғунчилар назарда тутилади. Ва албатта, бу ташкилот Андижондаги фожиавий ҳодисалардан "жабр чеккан"ларга молиявий ёрдам кўрсатади. Аммо негадир, фақат "раҳбар"нинг яқин қариндошларигина бу "ҳимматдан баҳраманд бўлишади.

Ҳа, Нурилло Мақсудов шу тариқа ўзининг Андижонда қолган яқинларига ғамхўрлик кўрсатмоқда. Улар эса, ўз қўшниларига Нуриллодан ойига бир неча минг доллардан пул олиб туришларини айтиб мақтанишмоқда.

Дарвоқе, "Андижон — Адолат ва тикланиш" ташкилоти низомида "асосий мақсад қочоқ, қувғинди ва собиқ маҳкумлар, уларнинг оила аъзоларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш" экани ёзиб қўйилган. Унда хорижда яшаётган ташкилот раҳбарларининг оила аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлаш ҳақида гапсўз йўқ. Кўриниб турганидек, "акромийлар" томонидан ҳар ой Германияда тўпланаётган катта маблағ ана шундай "хайрли" мақсадларга сарфланмоқда.

...Ушбу маълумотлар билан танишиш асосида демократия, қонунийлик ва бошқа инсоний қадриятлар ҳақида лоф уриб, аслида босқинчи ва қотиллиги кундай аён бўлиб турган кимсаларга бағридан жой бераётган айрим ғарб мамлакатлари вакилларининг иккиюзламачилиги кишини таажжубга солади. Ҳар қалай, Швециядаги шаҳарлардан бирида жойлашиб олган, ўзларини Ўзбекистон ҳукуматига мухолифат деб эълон қилган партия раҳбарларининг Нурилло Мақсудов билан учрашиб, "ўзбек мухолифати"ни бирлаштириш масалаларини муҳокама қилишгани тасодиф бўлмаса керак. Ахир, "кўр кўрни қоронғида топади" деб шуни айтсалар керак-да!

Бундай "мухолифат" ҳақида Ўзбекистонда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Уларда мамлакатимиз истиқболини кўзлайдиган ҳеч қандай дастур ҳам, амалий таклиф ҳам йўқ. Бироқ уларнинг ашаддий қотил ва жиноятчилар билан бирикиши кўп нарсани, хусусан, бузғунчилик ва қабиҳлик руҳидаги режа ва мақсадларни кўзлаётганини ошкор қилади.

Ушбу "элита" вакилларининг юқори минбарлардан туриб, вақти-вақти билан, "Акромия" мўътадил оқим экани, акромийлар беозор, тақводор инсонлар эканини таъкидлашаётгани ҳам кишини, андиша билан айтганда таажжубга солади.

Бу нафақат аҳмоқлик ёхуд жаҳолат, балки бориб турган бўҳтон ва иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас. Халқимизда, ўйламай отилган сопқон ҳам бошга, ҳам орқага тегади, деган нақл бор. Эртами кечми, бундай мантиқсиз хитоблар худди бумеранг сингари ўз эгаларини "нишонга олиши" муқаррар. Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатлари холис фикрловчи инсонларга ойдек равшан ва ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. 2005 йилда бўлиб ўтган суд жараёнида, улардан жабр чеккан юзлаб одамлар бир қатор хорижлик журналистларнинг кўз ўнгида террорчиларни энг кескин жазоларга маҳкум қилишни талаб этишгани бор ҳақиқатни кўрсатиб турибди.

Аччиқ кўз ёшлар билан билдирилган бу талаблар бегуноҳ инсонларни ўлдирган, кинотеатр ва автомашиналарга ўт қўйган, бир гуруҳ андижонликларни автомат қўндоғи билан уриб "тинч" намойиш сари бошлаган "беозор" акромийларга нисбатан муносиб ва ҳаққоний талаб экани ортиқча изоҳ талаб қилмаса керак.

Иномжон ЗАЙНИТДИНОВ

(Давоми келгуси сонда)

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ҚАШҚАДАРЁ: истиқлол нурига чулғанган воҳа

(Боши 1-бетда.)

Хусусан, юбилей олдидан шаҳардаги 30 дан зиёд иншоотда, шу жумладан, 10 та тарихий ёдгорликда кенг кўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳар марказидаги Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур шоҳкўчалари, шаҳар ички йўллари, умумий фойдаланишдаги ҳамда шаҳардан ўтувчи транзит йўллар кенгайтирилди. Уларнинг ён-атрофини кўкаламзорлаштиришга, тунги ёритгичлар ўрнатиш ва жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят марказини электр энергияси, алоқа, газ ва ичимлик сув билан таъминловчи коммуникация иншоотларини янгилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Қарши шаҳридан ўтувчи Қашқадарё қирғоқлари, чўмилиш ҳавзалари, истироҳат боғларида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шунингдек, янги қурилган ва реконструкция қилинган маданий-маърифий ҳамда спорт иншоотлари, тарихий ёдгорликлар атрофлари, истироҳат боғлари, маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳудудларига манзарали дарахтлар экилди. Айниқса, шаҳар марказидаги Мустақиллик майдони киши баҳри дилини очадиган ажойиб сайилгоҳга, фавворaю гулзорларга бурканган сўлим ва кўркам хиёбонга айлантирилгани кишини қувонтиради.

Мовий осмон. Пурвиқор тоғлар. Бепоён далалару чексиз кенгликлар... Она юртга таъриф берганда ана шу ташбеҳларни қўллаймиз, беихтиёр. Чунки бу бор ҳақиқат. Яна бир ҳақиқат аёнки, ана шу осмону заминнинг ўзига хос таровати, такрорланмас жозибаси ва ўз бағрига яширган сир-синоатлари бисёр. Худди шу каби Қашқадарё ҳам диёримизнинг энг узоқ тарихга, ўзига хос маданиятга эга бўлган, ер ости ва ер усти бойликлари кўплиги билан ажралиб турадиган, бугун ҳар томонлама жадал ривожланаётган вилоятларидан бири. Бундан ташқари, воҳа Ўзбекистон иқлими ва табиатининг барча хилма-хилликлари, ранг-баранглиги, саховатли, меҳнаткаш, мард ва ориятли халқининг улуғворлигини ўзида акс эттиради. Вилоят абадий музликлар, арчазорлар, ноёб доривор ўсимликлар билан қопланган пурвиқор тоғлари, қир-адирлари, қум барханлари ўркач-ўркач бўлиб ётган — саҳрога туташ ҳудудлари билан машҳур.

Табиийки, шунга яраша ер ости ва ер усти бойликлари, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси, деҳқончилик тизими ҳам ранг-баранг. Ғузор, Нишон, Миришкор, Муборак, Косон туманлари ҳудудлари углеводород қазилмалари, газ ва нефтга бой бўлса, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод тоғлари маъданлар, норуда тоғ жинслари ва бошқа ноёб кимёвий элементлар хазинасидир.

Дунё тажрибасидан маълумки, ёқилғи-энергетика, нефть захираларига бой мамлакат ўз салоҳияти ва куч-қудратини тўла-тўкис намоён эта олади. Шу маънода Қашқадарё мамлакатимизнинг асосий ёқилғи-энергетика базаси ҳисобланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. 223 километрли Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши фойдаланилмай турган ер ости бойликларини юртимиз равнақига хизмат қилдириш, тоғли ҳудудларни обод қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Воҳада ишлаб чиқариш соҳасида қилинган ва айни пайтда амалга оширилаётган ишлар кўлами, киритилаётган инвестициялар ҳажми кишини ҳайратга солади. 2010 йилда вилоятда 1598 миллиард сўм эквивалентига тенг ҳажмдаги инвестициялар (шундан 508,7 миллиард сўми хорижий инвестициялар) жалб этилди. Умуман олганда, 2000-2010 йилларда ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 18,6 фоиздан 40,7 фоизгача, транспорт ва алоқа улуши 4,1 фоиздан 4,5 фоизгача, хизматлар улуши 23 фоиздан 26 фоизгача ўсди. Қишлоқ хўжалиги салмоғи 34,6 фоиздан 18,4 фоизгача қисқарди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 2000 йилдаги 25,8 фоиз ўрнига 55 фоизни ташкил қилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кўплаб ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Мухтор Ҳайитмуродов. — Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб аҳолининг тадбиркорлик истагини ўрганиш мақсадида уйма-уй юриш тизими ташкил этилди. Бу ишга 3 минг нафардан ортиқ раҳбар ходимлар ва мутахассислар жалб қилинди. Натижада 65 минг оилада тадбиркорлик билан шуғулланиш учун таклифлар борлиги аниқланди.

Ўтказилган мониторинг натижалари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили вилоят дастурида қайд этилди. Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 432,8 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилиб, йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан 118,3 миллиард сўм (йиллик режага нисбатан 27,3 фоиз) ўзлаштирилди. Шунингдек, дастур асосида умумий қиймати 166 миллиард сўмга тенг бўлган 8742 та ишончли лойиҳа танлаб олинди. 2183 та кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида 45,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,6 миллиард сўм кўп демакдир.

Ўзбекистон ҳар доим пахта етиштириш бўйича Марказий Осиё давлатлари ичида пешқадам бўлиб келган. Бунда, табиийки, қашқадарёликларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сир эмас, аввалари вилоятда пахта хомашёси фақат бирламчи қайта ишланиб, асосий маҳсулот — пахта толаси деярли тўлиқ олиб кетиларди. Мустақиллик йилларида эса воҳада калава ип, трикотаж ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган, замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Оқсаройтекстил», «Яккабоғтекс», «Ҳумотекс» каби корхоналар пайдо бўлди. Қувонарлиси, бундай корхоналар сони кўпаймоқда, мавжудларининг қуввати ошмоқда.

Эътироф этиш керакки, ислоҳотлар қишлоқ аҳолисининг онги, тафаккурини ижобий томонга ўзгартирди. Деҳқонда ерга эгалик ҳисси пайдо бўлди. Унинг меҳнатга, ерга, ўзига муносабати, хўжаликни юритиш усуллари тубдан янгиланди.

Мубораклик мулкдор Абдужаббор Ҳайитов 19 йилдан буён «Азамат» фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда. Салкам мустақиллик билан тенгдош фермер хўжалиги жамоаси юртимиз фаровонлиги ва тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти.

— Истиқлол туфайли мулкдор бўлдим ва шу даражага етдим, — дейди фермер. — Айни пайтда 128 гектар ерда ғалла, пахта, сабзавот етиштираяпмиз. Камтарона меҳнатимиз маҳсули яхши кунларда юртимиз тўйига тўёна бўлиб қўшилса, дейман.

Ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, паррандачилик етти хазинанинг бири. Унинг ортидан фақат даромад орттирибгина қолмай, балки аҳолини иш билан таъминлаш имконияти юзага келади. Шу боис, кейинги йилларда вилоятда паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида салмоқли кўрсаткичларга эришилди.

Воҳада паррандачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш мақсадида ўтган йили 5-10 мингта парранда боқишга ихтисослашган 40 та янги фермер хўжалиги ташкил этилиб, паррандачилик субъектлари сони 122 тага етказилди. Эътиборли жиҳати шундаки, соҳада янги иш бошлаган тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 516 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари берилди. Бу, ўз навбатида, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Таъкидлаш жоиз, бугун воҳада шаҳарликларнинг ҳам ҳавасини келтирадиган замонавий уй-жойлар барпо этилаётгани қишлоқлар кўркини чандон очиб юборди. Биргина мисол. Яккабоғ туманидаги Шулликқирғиз массивида 50 та замонавий, кўркам ва мустаҳкам коттеж барпо этилиб фойдаланишга топширилганига унча кўп бўлмади. Тендер қиймати 3 миллиард 81 миллион 210 минг сўмга тенг бўлган мазкур намунавий уй-жойлар «Яккабоғ фаровони» ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш корхонаси пудратчилигида барпо этилди. Тўкис ҳаёт кечириш учун барча қулайликларга эга ушбу хонадонларга кўчиб кирганларнинг қувончини айтмайсизми?!



— Очиғини айтсам, бундай уйда истиқомат қилиш мен учун, оилам учун катта бахт, — дейди янги уй соҳибаси Малика Узоқова. — Хонадоннинг файзи бизнинг келажакда тинч, фаровон яшашимизни таъминлайди. Бу уйларда ўсиб-улғаяётган ёшлар юртимизнинг чинакам фидойи фарзандлари бўлиб вояга етадилар.

Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлгани каби бир-биридан салмоқли ва залворли ютуқлар қўшилиб, бир-бирига уланиб, Ўзбекистоннинг том маънодаги истиқболини рўй-рост намоён қилади. Айниқса, саноат ҳақида сўз кетганда, вилоят саноати республикада етакчи ўрин эгаллашини эътироф этиш жоиз. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган «Шўртангазкимё» мажмуасида айни пайтда этан гази ажратилиб, ундан турли маркадаги полиэтилен хомашёси ишлаб чиқарилмоқда. Полиэтилендан эса республикамиз корхоналарида қувур ва мебелдан тортиб турли уй-рўзғор буюмлари, ҳар хил безаклар, саноат учун зарур юзлаб маҳсулотлар тайёрланяпти. Бошқача айтганда, полиэтилен республикамиз учун анча танқис ҳисобланадиган металл, ёғоч ва резина-техник материаллар ўрнини босмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, «Шўртангазкимё» мажмуаси салоҳияти ва нуфузи бўйича нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиёдаги йирик корхоналардан биридир. Мажмуа вилоятдаги ўнлаб қишлоқларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришда ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Корхона фаолияти таркибида этан, пропан ва бутан бўлган табиий газ хомашёсини қайта ишлашга асосланган, — дейди мажмуа директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Алишер Султонов. — Ўтган йили 4274,3 миллион кубометр хомашё қабул қилиниб, 3734,8 миллион кубометр табиий газ, 129,1 минг тонна полиэтилен, 108,5 минг тонна суюлтирилган газ, 106,5 минг тонна газ конденсати, 1,8 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди.

Президентимиз қарори билан Қарши шаҳридаги «Қарши термопласт» корхонаси мажмуа таркибига қўшиб берилгач, қишлоқ хўжалиги ва коммунал соҳада фойдаланиладиган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ўтган йили мазкур корхонада 66,8 минг дона сиғими 10 литрлик пластмасса идиш, 1769,7 километр узунликдаги турли диаметрли қувурлар ва бир неча минг дона фитинглар тайёрланди. Тайёр маҳсулотларнинг қарийб 50 фоизи Россия, Хитой, Украина, Грузия, Белорусь, Эрон, Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Бу йилги кўрсаткичларимизнинг ҳам белгиланганидан ортиқ бўлишига эришиш мақсадида жамоамиз ишчи ва хизматчилари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«Шўртангазкимё» мажмуасида маҳаллий хомашёдан тағин бир қатор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — томчилатиб суғориш тизимлари ва алюмин композитли қопламаларнинг ишлаб чиқарила бошлагани ҳам биргина воҳа эмас, бутун республика миқёсида диққатга сазовор воқеадир. Истиқлол неъмати сифатида эътироф этиладиган ушбу мажмуани эндиликда узоқ-узоқларда ҳам яхши билишади. Ўзбекистон салоҳиятини бутун жаҳонга кўз-кўз қилиб турган мажмуанинг қир-адирлар бағрида қад ростлашининг ўзи ота-боболаримиз орзу-ҳаваларининг рўёби, амалий ифодаси эмасми?

Дарвоқе, ўтган йили вилоят саноатида қувончли воқеа рўй берди. Олис Деҳқонобод туманидаги калий ўғитлари заводида энг илғор технологиялар ёрдамида калий ўғити ишлаб чиқарила бошланди. Натижада Ўзбекистон барча турдаги — ҳам азотли, ҳам фосфорли, ҳам калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланди ва шу тариқа юртимиз иқтисодий қудрати ҳамда экспорт салоҳияти янада юксалди.

Ўз ўтмишини, тарихини чуқур билган, аждодлар хотирасини мангуликка муҳрлаган эл бизнинг элимиз. Қадим воҳада тарихлар силсиласининг не-не эврилишларига гувоҳ бўлган асрий обидалар бор. Воҳа тарихи, бу ердан етишиб чиққан улуғ алломалар, буюк аждодларимизнинг маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод этиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинаётир. Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан Қарши шаҳридаги XIV-XIX асрларда қурилган тарихий обидалар қайта тикланди. Хусусан, мустабид тузум даврида турли мақсадлар учун ишлатилиб, оёқ ости қилинган муқаддас қадамжолардан бири — XIV аср ёдгорлиги ҳисобланган Одина масжиди қайтадан ўз қаддини тиклади. XIV асрда қурилган Сардоба, Қарши қалъаси ва XIX аср бошида бунёд этилган Бекмир мадрасасини ўз ичига олувчи ёдгорлик мажмуаси кўхна Насафнинг тарихи, маданий ва маънавий мероси ҳамда қадриятларини ўрганадиган, тарғиб этадиган маданий-маърифий марказга айлантирилди.

Сайёҳларни ўзига ром этиб келаётган Шаҳрисабзнинг темурийлар даври архитектура ёдгорликлари қад ростлаб турган марказий қисмига ЮНЕСКО томонидан бутун инсониятнинг маданий мероси мақоми берилиши ва муҳофазага олиниши фақат қашқадарёликлар эмас, балки мамлакатимиз аҳлининг қалбида ҳам чексиз ғурур туйғуларини уйғотди.

Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус сиёдат, Кўкгумбаз, Гумбази сайидон тарихий обидалари, XV-XVI асрларга мансуб Чорсу, Чубин мажмуалари, Карвонсарой ва бошқа ноёб ёдгорликлар мамлакатимиз ва чет эллик сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва ёрдами билан буюк Амир Темурга Оқсарой ёнида улуғвор ҳайкал ўрнатилди. Унинг атрофини фавворалар, гуллар, ноёб буталар ва манзарали дарахтлар безаб турган майдон барпо этилди. 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи, 2002 йилда шаҳарнинг 2700 йиллиги тантанали нишонланди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деган нақл бежизга айтилмаган. Биноборин, соғлом миллат, соғлом авлодгина нурли манзиллар сари дадил одимлайди. Воҳада соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ишлар ҳам анча салмоқлидир. Ҳозир вилоятда 10794 ўринли 82 та шифохона, 258 та ҚВП, вилоят она ва бола скрининг маркази, республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали, республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиали, 4 та туғуруқ комплекси, 11 та туғуруқ бўлими, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, 5 та болалар шифохонаси, 15 та болалар бўлимлари, 12 та катталар ва 5 та болалар поликлиникаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

«Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 2006-2010 йилларда туғуруқхоналар, туман тиббиёт бирлашмалари, қон қуйиш станцияси, ОИТСга қарши кураш маркази 8 миллиард сўмлик замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Косон туманидаги Гувалак қишлоғидан етишиб чиққан полвон қиз — Дилафрўз Абдураҳимовага тенгдошлари ҳавас қилишади. Унинг медаллари шодасидан самбо бўйича Осиё чемпионатининг 6 та, Жаҳон юлдузлари фестивалининг 1 та, Ўзбекистон биринчилигининг ўнга яқин олтин, жаҳон чемпионатининг 2 та бронза медаллари жой олган. У кураш бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони ҳам.

— 2010 йил мен учун эсда қоларли йил бўлди, — дейди Дилафрўз. — «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу — спортда эришган ғалабалар, муваффақиятларим меваси. Яратилаётган бемисл имкониятлардан фойдаланиб юртимиз номини дунёга таратаётганимдан қалбим ғурурга тўлади.

Дарҳақиқат, вилоятда ёшларни спортга жалб этишга муҳим масала сифатида ёндашилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида 21 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та футбол мактаб-интернати, 13 та болалар спорт мажмуаси бор. Болалар ихтиёрида 3839 та спорт иншооти мавжуд. Улардан 644 таси спорт зали, 558 таси баскетбол, 1076 таси волейбол, 469 таси қўл тўпи, 713 таси футбол, 342 таси мини футбол, 8 таси енгил атлетика майдонлари, 6 таси теннис кортидир. Қарши шаҳрида бунёд этилган Олимпия захиралари спорт базаси, «Шўртангазкимё» мажмуасининг маданият ва спорт маркази, Ғузор туманида барпо этилган марказий стадион ва спорт саройи вилоят фахрига айланган.

Шунингдек, 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали маблағи ҳисобидан қишлоқ жойларидаги 8 та мактаб қошида спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жамғарма томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бадиий гимнастика марказлари очилди. Улар 102 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Бугун биз воҳа футбол жамоалари билан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Боиси, мамлакат чемпионати — Олий лига баҳсларида «Насаф», «Машъал» ва «Шўртан» жамоалари етакчилар сафида бормоқда. Бир йўла икки жамоанинг Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларида иштирок этиши ҳам вилоятда футбол инфратузилмаси қай даражада ривожланганининг исботидир.

Яна бир факт. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоа сафида «Машъал» футбол академиясининг 5 нафар аъзоси борлиги ёшларни спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишлари кўлами ва даражасини кўрсатади.

Аёллар футболи ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Вилоятнинг «Севинч» ва «Олимпия» жамоалари эришган натижалар анча қувончли. Бугунги кунда туманларда ҳам уларнинг ўринбосарлари камолга етаяпти. Жорий йилдан бошлаб мини футбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган мамлакат чемпионатининг биринчи лига беллашувларида вилоятдан янги жамоа — «Лочин»нинг иштирок этаётгани футболга қаратилаётган эътибор намунаси, десак муболаға бўлмайди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар, табиийки, ўз мевасини бермоқда. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтараётган, юртимиз шарафини дунёга танитаётганлар орасида, юқорида қайд этилганидек, Дилафрўзга ўхшаган воҳа ёшлари анчагина.

Елдек учиб бораётган умр карвонида шундай лаҳзалар бўладики, уларни мангуликка муҳрласанг арзийди. Ўзбекистон дея аталмиш улкан карвон ҳадемай йигирманчи довондан ошади. Босиб ўтилган йўлларга назар ташласак, ҳар бир довонда гувоҳ бўлганларимиз асрларга татигулидир. Бунда заҳматкаш халқнинг, шу жумладан, қашқадарёликларнинг муносиб улуши бор. Президентимиз таъриф берган «... Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи...» истиқлол нурига чулғанган замин бағрида умргузаронлик қилаётганларидан фахрланадилар.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Тараққиёт

Рақамли телевидениега ўтиш истиқболлари

XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан «ахборот коммуникациялари асри» дея эътироф этилмоқда. Зеро, жамият ҳаётига ахборот технологияларининг кенг даражада кириб келиши фуқароларга ахборот олишга бўлган имкониятлар эшигини очиб берди.

Шу боис, бугунги кунда бутун дунёда рақамли телевидениега ўтиш жараёнлари изчил давом этяпти. 2002 йилда Халқаро электр алоқа Иттифоқи ташкилотининг конференциясида рақамли телевидениега ўтишни режалаштиришнинг ҳудудлари белгилаб берилган резолюция қабул қилиниши билан бу йўналишдаги ишлар янада жонланиб кетди.



Рақамли телевидениега ўтиш заруратининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

— радиочастота ресурсидан оқилона фойдаланиш;

— телевидение тасвири сифатини ошириш;

— ҳудудларда тарқатилаётган телеканаллар сонини ошириш (нисбатан энг кам сарф-харажат йўли билан);

— хизмат турларини умумлаштириш (конвергенция);

— янги технологияларни татбиқ этиш (юқори сифатли телевидение);

— узаткичлар тармоғи томонидан электрэнергия сарфини камайтириш ва бошқалар.

Шу ўринда, «Хўш, рақамли телевидение нима ва у қандай стандартларга эга?» деган савол туғилиши табиий. Рақамли телевидение (инглиз тилида Digital Television, DTV) деганда видео ва аудио сигналларни ҳамда маълумотларни трансляторлардан рақамли модуляцияга эга бўлган телевизорга узатиш учун сиқиш тушунилади. Замонавий рақамли телевидениега MPEG сиқиш стандарти асос бўлиб хизмат қилган. Рақамли телевидениенинг DVB — Европа, ATSC — Америка, ISDB — Япония стандартлари мавжуд.

Бу замонавий технологиялар телетомошабинлар учун бир қатор қулайликлар яратади:

юқори сифатли сигналга махсус кабеллар ва тарелкалар (параболик антенналар)сиз уланиш имконияти. Телетомошабин учун фақатгина телевизор, исталган ДМВ антенна, рақамли ресивер ва электр манбаи керак бўлади, холос;

рақамли стандарт сиз ва телевизорингиз билан бирга янги ҳовлига, хонадонга, дала ҳовлига бемалол кўчиб юради. Ҳатто бугунги кунда биз фойдаланадиган одатдаги телевизорлар сигнални сифатсиз «ушлайдиган» жойларда ҳам рақамли стандарт ўз тиниқлиги ва сифатини йўқотмайди. Яъни кўрсатувлар телевидение студиясидан қандай узатилса, худди шу даражадаги юқори сифат билан истеъмолчига етиб келади;

HD (юқори аниқлик ва сифатдаги телевидение) ўлчамдаги теледастурларни қабул қилиш, айни пайтда янги плазмали телевизорларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш мумкин бўлади;

теледастурларни ҳаракатдаги транспорт воситаларида, яъни шахсий автомашинада, автобусда, трамвай, троллейбус, поездда томоша қилиш (мобил ТВ хизмати орқали) мумкин бўлади. Бугунги кунда МТС-Ўзбекистон уяли алоқа оператори айнан ана шундай хизмат турини ўз мижозларига таклиф этмоқда;

тўғридан-тўғри эфир вақтида кўрсатувда бевосита иштирок этиш имконияти туғилади. Уйдан чиқмасдан маҳсулотлар ва хизматларга буюртма бериш, масофадан туриб таълим олиш усулидан фойдаланиш мумкин (интерактив ТВ).

Агар АҚШ ҳамда Европанинг бир қатор ривожланган давлатлари, Осиёда эса Япония бу борада анча илгарилаб кетган бўлса, бошқа мамлакатлар бу жараёнга эндиэнди қўшилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, рақамли стандартга босқичма-босқич ўтиш бўйича ишлар бошланиб кетган ҳамда Европа рақамли телевидение стандарти — DVB-T (Digital Video Broadcasting Terrestrial) қабул қилинган.

2006 йили Женева шаҳрида 174-230 MHz ва 470-862 MHz полосаларида рақамли эшиттириш режасини тузиш бўйича Ҳудудий радиоалоқа конференциясининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди ва Ўзбекистон учун 817 частота ажратмалари киритилди. Шунингдек, анжуманда аналог эшиттиришдан рақамли эшиттиришга ўтиш даври Европа ва МДҲ давлатлари учун 2015 йилгача деб белгиланди. Ушбу режани амалга оширишга тайёргарлик доирасида мамлакатда рақамли телевидениени татбиқ этиш режаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2006 ва 2008 йилларда «Рақамли эшиттириш режасини тузиш бўйича Ҳудудий радиоалоқа конференциясининг иккинчи сессияси ишининг натижалари ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар» ҳамда «Рақамли телерадиоэшиттиришга ўтиш ишларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» ишлаб чиқилди. Уларда Ўзбекистон Республикаси радиочастота ресурсларини рақамли телевидение учун конверсия қилиш, рақамли телевидение бўйича мавжуд норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, рақамли телерадиоэшиттириш йўналишида лицензиялаш тартибини такомиллаштириш, Ер усти (DVB-T, DVB-H), йўлдошли (DVB-S), кабелли (DVB-C) ва MMDS (DVB-MMDS) рақамли телевидение стандартларини ўзаро мувофиқлаштириш, республикада қўлланиладиган видеосигналларнинг MPEG-4 ва ундан юқори форматда ишлашини таъминлаш, ҳудудлар ва муддатлари аниқ белгиланган рақамли телевидениега ўтиш жадвалини ишлаб чиқиш, рақамли телевидениени дастурлар (контент) билан таъминлаш, рақамли сигналларни қабул қилувчи абонент қурилмалари (Set top box)ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда аҳолини Set top box қурилмалари билан таъминлаш масалаларини ечиш бўйича аниқ тадбирлар назарда тутилган.

Биринчи босқичда, яъни 2008 йил июль ойида Тошкент телеминорасининг 220 метр баландлигида «NEC» (Япония) компаниясининг 42 ТВКда ишловчи 2,0 кВт қувватга эга бўлган рақамли телеузаткичи ўрнатилиб, Тошкент шаҳрида рақамли телевидение тажрибавий ҳудуди ташкил этилди ва «O'zbekiston» телеканали дастурларини рақамли стандартда эфирга узатилиши амалга оширила бошланди. Тошкент шаҳрида 2010 йил июнда иккинчи, йил якунида учинчи рақамли телеузаткич ишга туширилди ва эфирга узатилаётган телеканалларнинг умумий сони 25 тага етказилди. Жорий йил якунигача тўртинчи рақамли телеузаткич ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида 2010 йил августда рақамли телеузаткич ўрнатилиб, Самарқанд шаҳри ва вилоятида рақамли телеэшиттиришлар бошланди. Ҳозирги кунда Нукус, Қарши, Урганч ва Андижон шаҳарларида рақамли телеузаткичларни ўрнатиш ва ишга тушириш учун Японияниинг «NEC» ва Германиянинг «Курт Миттерфельнер Гмбх» компаниялари билан шартномалар имзоланган. Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг 2010 йил 23 февралдаги 1/3-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида 2008-2015 йилларда рақамли телевидениега ўтиш частота-ҳудудий режаси тасдиқланди. Мазкур режага асосан мамлакатимиз ҳудудидаги барча телерадиоузатиш станцияларидаги аналог телеузаткичларни босқичма-босқич рақамли телеузаткичларга алмаштириш белгиланган.

Албатта, рақамли телевидениени қабул қилиш учун телевизорлар шунга мўлжалланган бўлиши керак. Аммо ҳозир биз ишлатаётган аксарият телевизорлар бундай имкониятга эга эмас. Бунинг учун уларга махсус мослама, яъни тюнерлар ўрнатиш зарур бўлади. Бугунги кунда юртимиздаги "Telmax elektroniks" корхонаси томонидан ана шундай мосламаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона ишлаб чиқараётган рақамли сигналларни қабул қилувчи Set-Top-Box DVB-T1000-MP4 тюнери мавжуд муаммо ечимини ҳал қилиш томон ташланган дастлабки қадамлардан бўлди, дейиш мумкин. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 25 мартдаги «Навоий эркин индустриал иқтисодий ҳудуди: кореялик ҳамкорлар учун янги инвестиция имкониятлари» халқаро конференция якунлари бўйича имзоланган инвестиция келишувларини амалга ошириш чоралари тўғрисида» фармойиши қабул қилинди. Унда Навоий шаҳрида рақамли сигналларни қабул қилувчи (Set top box) қурилмаларини ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилиши белгиланган эди. Ҳозирги кунда завод қуриб битказилиб, Set top box қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Рақамли стандартга ўтиб бўлингач, шаклланган ижтимоий пакет ичидаги баъзи каналлар пуллик бўлиб, телетомошабин ўзини қизиқтирган йўналишдаги ахборот дастурлари ёхуд кўрсатувларни кўриш учун абонент тўловини амалга ошириши зарур бўлади. Мазкур жараён уяли алоқа телефонларида амалга оширилаётган тўловлар шаклида бўлиши режалаштирилган. Абонент бўлиш тартиби эса телевидение ва радионинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида белгиланиши кўзда тутилаётир.

Бугунги кунда мижозларга 3 та пакет тавсия этилмоқда — «ижтимоий», «стандарт» ва «премиум». Ижтимоий пакетга кирган дастурларга телетомошабинлар эркин равишда уланиш имкониятига эгалар. Қолган иккита пакетга уланиш хизматлари пуллик бўлиб, бунинг учун томошабинлар махсус тюнерларни сотиб олишлари лозим. 2015 йилга қадар телетомошабинлар ҳам аналог, ҳам рақамли телевидениедан бирдек баҳраманд бўлишлари мумкин. Ўша йилдан тўлиқ рақамли стандартга ўтилади.

Наргис ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Истиқболли медиалойиҳаларни ишлаб чиқиш бўлими мутахассиси

Ватан ичра сайр

Илҳомбахш сафар

Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда миқёси жиҳатидан асрларга менгзагулик ўзгаришлар юз берди. Балки кундалик юмушлар туфайли кўзимизга аста-секин сингиб борган янгиланишлар жараёнига эътибор қаратмасмиз, лекин у Ватан ичра сайр этган кишига дарров сезилади. Бу туйғуни Самарқанд шаҳрига қилган ижодий сафаримиз давомида ҳис этдик, кўнглимиздан ўтказдик.



Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан вилоят ҳокимлиги ва таҳририятимиз ташаббуси билан ташкил этилган бу хайрли тадбирнинг Самарқанд шаҳридан бошланганги рамзий маънога эга. Маълумки, бу гўшада ҳам ўзбек миллий матбуотининг пойдевори қўйилган. 1913 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан асос солинган ва салкам юз йиллик тарихга ва бой тажрибага эга "Самарқанд" газетаси бугунги кунда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги муассислигида "Zarafshon" номи билан чоп этилмоқда.

Дастлаб таҳририят бўлимлари мухбирларининг ижоди, иш услуби билан танишдик, ўзаро фикрлашдик. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар матбуот саҳифаларида қай даражада акс этаётгани билан қизиқдик. Вилоят матбуот марказида ўтган мулоқот савол-жавоб тарзида кечди. Унда вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари, "Zarafshon" газетасида ташкил этилган "Журналистик маҳорат мактаби"нинг ёш қаламкашлари иштирок этишди.

Мулоқот чоғида "Zarafshon" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Фармон Тошев ва "Qashqadaryo" газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшанов бундай ижодий учрашувларни кўплаб ўтказиш таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаши, ўзаро тажриба алмашишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар. Энг муҳими, мустақиллигимизнинг ўтган 20 йили давомида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилган ишларни кенг ёритиш ва бу орқали Ўзбекистонимизда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти, кўлами ва миқёсини халққа, керак бўлса, жаҳон аҳлига кўрсатиш ижодий сафарнинг асосий мақсадларидан бири эканини айтдилар. Ўзаро суҳбат чоғида парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг матбуот билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёш кадрларни тарбиялаш истиқболлари, шаҳар ва туман газеталарини ривожлантириш масалалари хусусида сўз борди.

Таҳририятлар ўртасида ижодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида ижодий шартнома имзоланди. Унга кўра, ҳар йили камида бир марта таҳририятларга ижодий сафар уюштирилади, ҳар ойда ҳар икки газетада қўшни вилоят ҳаёти ҳақида махсус саҳифалар чоп этилади, таҳририятлардан тажриба алмашиш мақсадида ходимлар алмашилади.

***

Режага биноан ижодий сафар давомида шаҳардаги "Эрудит" ижодий марказида ҳам бўлиб, унинг тарихи, газета-журналлар нашр этиладиган "Noshir Lux" босмахонаси фаолияти билан танишилди. Бу ерда Ҳиндистоннинг газетани рангли ва бир йўла тайёр ҳолда чоп этишга мўлжалланган "Star-20" чоп этиш техникаси ўрнатилган экан.

Сафар давомида меҳмонлар мазкур замонавий техникаларнинг имконият даражалари билан танишдилар.

***

Таҳририят аъзолари Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбараларини зиёрат қилдилар, Улуғбек расадхонаси ва Регистон майдонида ҳам бўлдилар.

Замин сайқали номини олган Самарқанд неча асрларким, дунё аҳлини ўзига жалб этиб келади. Бу ерда кўплаб хорижий сайёҳларни ҳам учратиб, улар билан мулоқотда бўлдик.

— Юртингиз шаҳарларининг ўзига хос жозибаси, таровати бор, — деди франциялик сайёҳ Буэно Жуэт. — Мен Ўзбекистонга ҳар йили келаман. Аввал Хива, Бухоро, Тошкент шаҳарларида бўлганман. Шаҳрисабзга ҳам бориб, дунёга донғи кетган Оқсаройни кўриш азалий орзуларимдан бири эди. Самарқанд шаҳрининг гўзаллиги мени мафтун қилди. Уни дунёдаги ҳеч бир шаҳар билан қиёслай олмайман.

Чиндан ҳам, бугунга келиб шаҳар янада гўзаллашган. Кўзни қувнатадиган чиройли, кўркам бинолар, турар жойларнинг бетакрор меъморий ечими ҳайратингизни оширади. Тарихий обидалар ва замонавий бинолар киши тасаввурида шаҳар Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк сифатида таассурот қолдиради.

Бу ўзгаришни юртимиздаги ҳар бир шаҳарда, қишлоқ ёки маҳаллада кўриш мумкин. Тобора чирой очиб бораётган бу гўшаларда умргузаронлик қилаётган кишиларнинг эртанги кунга ишончи баланд. Улар яратувчанлик ҳисси билан яшамоқдалар. Буларнинг барчаси танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигини, Президентимиз раҳнамолигида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар Ватан равнақи, мамлакат тараққиёти, эл фаровонлигига хизмат қилаётганини яна бир карра исботлайди. Демак, бугун жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни эътироф этаётгани, кўп соҳаларда биздан ўрнак олишга интилаётганлари бежиз эмас.

Буни бошқалардан кўра теранроқ англайдиган, ўз мақолалари, кўрсатув ва эшиттиришларида акс эттира оладиган журналистлар Ватан ичида ҳам сайр этиб туришлари шарт экан, назаримда. Ана шунда уларнинг мақолалари янада халқчил, юракка яқин бўлади.

Абдураззоқ МУРОДОВ,
журналист
Собир НАРЗИЕВ
олган сурат

Фикр

Ақл аталмиш улуғ неъмат билан шарафланган инсон кўраётган нарсалари, эшитаётган товушлари орқали тасаввурни ва фикрлашни ўрганди. Аста-секин тил-нутқ шаклланди. Вақт ўтган сайин энг буюк кашфиёт — ёзув дунёга келди...

Матбуот майдонида сўз масъулияти

Энди одамзод атрофида кечаётган ҳар бир ҳодисотга, ҳар бир ўзгаришга муносабат билдириб, мулоҳаза юритди, ўз ўрнида атрофидаги одамлар билан ҳам фикр алмаша бошлади, уларга дилидагини изҳор этишни ва уларнинг ҳам фикрларини тинглашни, хулосалар чиқаришни ўрганди. Бора-бора, қоғоз ихтиро қилингандан сўнг бу изҳори диллар даврнинг қайноқ янгиликлари ва долзарб мулоҳазалар билан қоришиб унинг юзига «тўкилди». Шу тариқа инсоният тамаддунини мутлақ бошқа ўзанга солиш салоҳиятига эга матбуот дунё юзини кўрди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Асрлар силсиласида матбуот тараққиёт пиллапояларидан юқорилади ва у ҳақиқатни ялов қилиб, ноҳақликка ва зулмга қарши беаёв курашишни бош мақсади деб билди. Балки, шу боисдир, баъзида унинг шаънига таҳқиромуз гаплар янгради. Чунончи Германия канцлери Отто фон Бисмарк матбуотни «Босмахона бўёғи билан ифлосланган қоғоз» деб атади. Напалеон Бонапарт эса матбуотнинг қудратини юз минглаб аскарлардан афзал билиб, ундан чўчишини очиқ-ошкора тан олди...

Бугун матбуотда инсон фаолияти ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаси ўз аксини топаётир. Шу сабаб, журналистлар мавжуд жамики соҳага ўзини дахлдор деб билади ва бу масъулиятни чуқур идрок этади. Мамлакатимизда ҳам истиқлол йилларида мазкур соҳага катта эътибор қаратилди. Натижада ўзимизга хос миллий матбуотимиз шаклланди. Буни сўнггги пайтларда адабий-маърифий нашрларда асосан "мағзи тўқ" материаллар чоп этилаётгани, қолаверса, матнлардаги орфографик, услубий хатолар нисбатан кам кўзга ташланиб, сарлавҳа қўйиш санъатига бўлакча эътибор қаратилаётганидан ҳам билиш мумкин.

Таъриф жоиз бўлса, матбуот — жамият ва ҳокимият ўртасидаги ўзига хос кўприк. Президентимиз ҳам ҳар қандай даражадаги учрашувлардан сўнг, албатта, журналистлар билан мулоқот қиладилар — матбуот анжуманлари ўтказилади. Бу бежиз эмас. Мамлакатда бўлаётган хоҳ сиёсий, хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий ўзгаришлар бўлсин, ҳамма-ҳаммасидан халқ бохабар бўлмоғи керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Хусусий нашрлар ҳам фақат эстрада ёки кино юлдузларининг ҳаёти билан боғлиқ аллақандай миш-мишлар, ваҳимали ва чўпчакнамо ҳикоялар, "мағзи пуч" олди-қочди гаплар билан чекланмай, халқнинг дунёқарашини шакллантириш йўлида изланса фойдадан холи бўлмасди.

Агар мана шундай айрим жузъий камчиликлар ҳам бартараф этилса истиқлол йилларида жамиятнинг, халқнинг чинакам кўзгусига айланган матбуотимиз тез орада дунёга довруғ сола оладиган даражага кўтарилишига шубҳа йўқ.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
ЎзМУ талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ЎРМОН ЁНҒИНЛАРИ

Россиянинг Узоқ Шарқ ҳудудида кўплаб ўрмон ёнғинлари содир бўлмоқда. Куни кеча 111 та ана шундай ёнғин ўчоғи қайд этилди. Шундан 27 тасини ўчиришга муваффақ бўлинган.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, ёнғинлар 9,2 минг гектар майдонни қамраб олган. Ёнғинларнинг аксарияти, яъни 46 таси Саха Республикаси ҳудудидаги ўрмонларда келиб чиққан. Хабаровск ўлкасида эса уларнинг сони 23 тани ташкил этган.

Ўрмон ёнғинларини бартараф этишга 2,4 минг нафар киши ва 300 га яқин техника воситалари жалб қилинган. Жумладан, ўрмончилар, кўнгиллилар ҳамда фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлинмалари «тилсиз ёв» билан кураш олиб боришяпти.

БЕРЛУСКОНИ ЮТҚАЗЯПТИ



Италияда ўтказилаётган ҳудудий сайловлар натижасида мамлакат бош вазири Сильвио Берлускони раҳбарлигидаги партия имкониятни бой бермоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, оппозицион сўлмарказчилар сайловчилар ишончини қозонмоқдалар.

Ҳукумат тепасидаги "Халқ озодлиги" партиясининг номзодлари шаҳар мэри сайловларида мағлубиятга учрашди. Масалан, Турин ва Болонья шаҳарларида сайловнинг биринчи туридан сўнг Демократик партия номзодлари ғалаба қозонишди. Мамлакатнинг шимолий пойтахти саналган Миланда ҳам худди шундай ҳолат такрорланди. "Халқ озодлиги" вакили Летиция Моратти иккинчи маротаба шаҳар мэрлигига сайлана олмади.

С.Берлусконининг сайловчилар ўртасидаги рейтинги эса 30 фоизга тушиб кетди. Бу сўнгги уч йил ичидаги энг паст кўрсаткичдир.

6 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ТЎЛАЙДИ



Американинг AT&T йирик телекоммуникация компанияси талабгор, Германиянинг «Deutsche Telekom» компаниясига 6 миллиард доллар миқдорида компенсация тўлаши мумкин. «Reuters» агентлигининг эътироф этишича, мабодо бу амалга ошадиган бўлса, мазкур сумма шартнома миқдорининг фоизи нуқтаи назаридан энг катта компенсацияга айланади.

Гап шундаки, AT&T «Deutsche Telekom» билан жорий йилнинг март ойида немис компаниясининг АҚШдаги шўъбаси — «T-Mobile»ни сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолаган эди. 39 миллиард доллар миқдоридаги ушбу шартнома шартлари тўла бажарилса, AT&T мамлакатдаги иккинчи йирик уяли алоқа операторига айланади. Акс ҳолда эса... компания «Deutsche Telekom» йирик миқдорда компенсация тўлашга мажбур бўлади.

Эслатиб ўтамиз, AT&Tнинг 2010 йилдаги пул айланмаси 124,28 миллиард долларни ташкил этган.

ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШДИ

Покистоннинг Шабкадар шаҳрида содир этилган теракт қурбонлари сони 98 кишига етди. Бу ҳақда "France-Presse" агентлиги маҳаллий полиция маҳкамасининг расмий баёнотига асосланиб хабар тарқатди.

Баёнотда таъкидланишича, портлаш жойида 81 киши ҳалок бўлган, 17 киши шифохонада оламдан кўз юмган. Бундан ташқари, 140 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олишган. Уларнинг 43 нафари ҳали-ҳануз шифокорлар назоратида.



Олдинроқ портлашда 89 кишининг бевақт оламдан ўтгани тўғрисида хабарлар тарқатилган эди.

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг июль ойида Покистоннинг Мохманд вилоятида иккита портлаш содир этилган ва бу юздан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлганди.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИДА УЧДИ



Қуёш батареяси билан жиҳозланган самолёт илк халқаро рейсини амалга оширди. Фақат қуёш энергиясидан қувват олган ушбу самолёт Швейцариядан самога парвоз қилди ва Бельгия аэропортига муваффақиятли қўнди.

"France-Presse" агентлигининг хабар беришича, самолёт Швейцариянинг Паерн шаҳридан маҳаллий вақт билан эрталабки 08:40 осмонга кўтарилган. Орадан 12 соат ўтгач, у Брюсселга етиб келган. Бу вақт мобайнида самолётни "Solar Impulse" компанияси асосчиларидан бири Анрэ Боршбер бошқарган.

МАРАДОНА ЎЗИГА ЯНГИ ИШ ТОПДИ



Аргентина терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Диего Марадона кейинги фаолиятини Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Васл" жамоаси бош мураббийи сифатида давом эттиради.

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Аргентина терма жамоасининг собиқ бош мураббийи БАА клуби мутасаддилари билан икки йиллик келишувга эришган. Келишувга кўра, у йилига 3,5 миллион евро миқдорида маош олади. Буни «Ал-Васл» клуби вице-президенти Марван бен Байатт ҳам тасдиқлаган.

Марадона янги жамоасидаги ишни июнь ойидан бошлайди.

ЭНГ ҚАДИМИЙ МИКРОМЕТЕОРИТЛАР



Японияли олимлар ер юзида маълум бўлган микрометеоритларнинг энг қадимийсини топдилар, дея хабар беради Wired. Мазкур самовий жисмларнинг ўлчами ўн микрометрдан ошмайди.

Япон ороллари биридан топилган артефактнинг ёши тахминан 240 миллион йилга тенг. Аввалги "рекордчи" эса ундан 50 миллион йил ёш эди. Ўтган йиллар давомида ноқулай шароитлар таъсирида микрометеоритнинг темир зарраларидан ташқари бошқа барча моддалари емирилиб кетган.

Ҳар йили Ер сайёрасига 30 минг тоннага яқин микрометеоритлар тушади. Бундай космик зарраларнинг 90 фоизи атмосферага кириб бориш жараёнида емирилади.

Олам ажойиботларга тўла

666 ТА ОЁҒИ БОР



АҚШнинг Шарқий Каролина университети олимлари – Жейсон Бонд ва Пол Марек дунёдаги энг кўпоёқли жонзотни топишди. Маълум бўлишича, ушбу бўғимоёқлилар урғочисининг 666 та оёғи бор экан.

Тадқиқотчилар бу турдаги кўпоёқлилар қаерда яшашини аниқлаш учун анчагина тер тўкишди. Натижада махсус харита тузишга муваффақ бўлинди. Олимлар унга таянган ҳолда дунёнинг иссиқ ўлкаларини бирма-бир ўрганиб чиқишди. Ва ниҳоят, Калифорниянинг Сан-Бенито округида мақсадларига етдилар.

Дастлабки текширувларнинг натижаси жуда қизиқарли бўлиб чиқди. Энтомологларнинг таъкидлашича, ҳашаротлар аввалига деярли бир хил бўлиб туғилади ва фақат ўсиш даврида "қизлар" "ўғиллар"дан каттароқ бўла бошлайди. Урғочи кўпоёқлилар эркак жинсига мансуб бўғимоёқлилардан ўртача икки баробар катта бўлади.

Қиёслаш учун оддий кўпоёқлиларнинг тахминан 300 га яқин оёғи бўлишини таъкидлаш ўринли.

ГРАВИТАЦИЯ ОҚИБАТИДА



Олимлар Юпитернинг Ио номли йўлдошининг вулканик фаоллиги сабабини аниқлашди. Астрономлар гигант сайёранинг гравитацияси оқибатида ҳосил бўладиган куч таъсирида Ио замини қизиб кетади, деган хулосага келишди, деб ёзади "Science" журнали.

Янги тадқиқот муаллифлари 1999 ва 2000 йилларда "Галилео" аппарати орқали олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилишди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Юпитернинг тортишиш кучи таъсирида литосфер плиталар бир-бирига тўқнашади ва бу жараён оқибатида катта ҳажмда иссиқлик ажралиб чиқади. Шунинг ҳисобига йўлдош замини қизийди.

Ио — Қуёш системасидаги катталик бўйича тўртинчи йўлдош. У ер юзидаги ҳамма вулқонларга нисбатан юз марта кўп лава отади. Шу пайтгача олимлар бунинг сабаби нимада эканлиги тўғрисида бир тўхтамга келишмаганди.

ЯНГИ БАЛИҚ ТУРЛАРИ ТОПИЛДИ

Халқаро табиатни сақлаш жамияти мутахассислари Бали ороли атрофида балиқларнинг саккизта янги турини топдилар, деб хабар беради "France-Presse" агентлиги.

Лойиҳа раҳбари Марк ван Найдек-Эрдменнинг айтишича, олимлар орол атрофида 33 та алоҳида ҳудудни тадқиқ этишди. Икки ҳафта давомида умумий ҳисобда 952 та балиқ ўрганиб чиқилди, улардан саккизтаси янги тур бўлиб чиқди. Шунингдек, маржонларнинг ҳам янги тури аниқланди.

Бали ороли Индонезияга қарашли бўлиб, унинг ҳудуди 5,6 минг квадрат километрга тенг.

ТЕЛЕФОН ШОВҚИНДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Жанубий кореялик олимлар уяли телефон қуввати-ни кўчадаги шовқин-сурондан, мусиқадан ёки шунчаки инсон сўзлашувидан тўлдириш имконини берадиган тизимни ишлаб чиқиш устида изланишлар олиб боришмоқда.

Нанотехнологлар гуруҳи раҳбари Сан-Ву Кимнинг таъкидлашича, бу ғоя аввал ҳам илгари сурилган. Мазкур тадқиқотнинг янгилиги шундаки, телефонга рух оксидининг майин ипчалари ўрнатилганидир. Ипчаларнинг икки учи шовқин таъсирида ҳаракатга келадиган мембранага улаб қўйилади ҳамда шу орқали генератор керакли энергияни тўплайди.

Интернет хабарлари асосида Иқбол ПАРДАЕВА тайёрлади.

Тафаккур тадрижи

ҚИЁСИЙ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДА ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

Сўз санъати ҳақидаги фаннинг қиёсий адабиётшунослик соҳаси XIX асрдан шаклланган бўлса-да, жамият тараққий этган сари, айниқса, ҳозирги глобаллашув даврига келиб, аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки у жаҳон адабиётининг барча кўринишларини кенг қамраб олишга интилади. Бадиий адабиёт эса тафаккур тадрижининг таркибий қисми сифатида барча халқлар учун этник, айни пайтда типологик ҳодисадир.

Қиёсий адабиётшунослик эндигина ривожланиб келаётган соҳадир. Шу маънода, Ш.Шомусаровнинг яқинда нашрдан чиққан «Турк ва араб халқлари фольклори алоқалари ва типологияси» деб номланган монографиясини туркий ва араб халқлари қиёсий фольклоршунослигига муносиб янгилик олиб кирган асар сифатида баҳолаш мумкин.

Ўрта Осиё алломаларининг Ислом маданияти фанига қўшган улкан хизматларини қайд этган ҳолда, мумтоз адабиётимизга «Қуръони карим», «Ҳадислар» таъсирини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай ўзаро таъсир туркий ва араб халқлари фольклори контекстида ҳам тарихан мавжуд. Аммо туркий халқлар фольклорининг араб фольклорига таъсири деярли ўрганилмаган. Китобда асосан араб фольклорининг туркий халқлар фольклорига таъсири ҳақида сўз боради. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томондан, жаҳон халқлари фольклори типологияси дейилганда, тарихан бир-биридан бехабар бўлган халқлар ижодидаги умумийлик (бу умумийлик мотивлар, образлар, сюжетлар даражаларда бўлиши мумкин) академик В. Жирмунский талқини билан айтганда, тараққиётнинг маълум бир босқичида ижтимоий, тарихий-фольклорий жараённинг яқинлиги тушунилади. Масалан, тотемизм, магия, культлар, шомонлик, патронимия каби мифологик тафаккур ҳосилалари жаҳоннинг деярли барча халқлари учун хосдир. Шу сабабли қуёш ва сувга сиғиниш қадимда бир-биридан бехабар бўлган зардўштийлар ва мисрликлар учун ҳам хос бўлган. Учинчи томондан эса алоҳида олинган бирор халқ фольклорининг қайсидир бир намунасида тарихан бир неча халқлар мифологияси, фольклор, этнографиясига хос қатламларни учратиш мумкин.

Уч бўлим ва фасллардан ташкил топган монографиянинг биринчи бўлими «Араб фольклорининг қисқача очерки» деб номланган. Араб халқлари оғзаки адабиёти жуда қадимий бўлса-да, уни тизимли равишда ўрганила бошланганига кўп бўлгани йўқ. Араб фольклоршунослиги Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган ва ижтимоий жиҳатдан араб мамлакатларининг мустақилликка эришувлари билан боғлиқ.

Араб фольклорига қизиқиш VIII асрлардан бошланган.

Қизиғи шундаки, дастлабки араб мақоллари мажмуасини тузган икки олимдан бири хоразмлик улуғ ватандошимиз Маҳмуд аз-Замахшарий бўлган.

Айтиш мумкинки, монографиянинг биринчи бўлимидаги араб фольклори жанрлари ҳақида илк бор ўзбек фольклоршунослигига олиб кирилган маълумотлар ўз илмий янгилиги билан ажралиб туради.

Муаллифнинг туркий халқлар орасида машҳур «Минг бир кеча» эртакларининг тарихий асослари форс ва ҳинд фольклори билан боғлиқ бўлгани ҳақидаги қарашларга муносабатини ҳам чуқур илмий кузатишлар натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, олим Марказий Осиё ва Ўрта Осиё каби ҳудудий атамаларни тенг қўллайверади, бироқ уларнинг келиб чиқишига изоҳ бермайди.

Бутун асар давомида туркий халқлар фольклорига ислом дини, Қуръони Карим ривоятлари таъсири ҳақида кўп фикр юритилади. Бу таъсир туркий халқлар мифологиясига араб халқлари мифологияси таъсиридан бошлангани айтилиб, улар хронологик ва сюжет тизимлари жиҳатидан тасниф, талқин қилинади. Ҳар иккала халқлар фольклорига оид фактик материалларнинг қиёсий таҳлиллари асосида бу таъсирлар асослаб ҳам берилади.

Бизнингча, шундай ўринларда муаллиф имкон даражасида ислом динининг қадимги зардўштийлик ва араблар Марказий Осиёга кириб келганда, бу ерда устивор бўлган дин формаси шомонликка бўлган муносабатга ҳам тўхталса бўлар эди. Чунки, биринчидан, маҳаллий аҳолига ислом динининг сингишида шомонлик таълимоти билан ислом таълимоти ўртасидаги типологик ҳодисалар жуда муҳим роль ўйнаган. Иккинчидан, араблар этник, ҳудудий жиҳатдан туркийлардан жуда йироқ бўлгани каби, тил жиҳатидан ҳам бутунлай бошқа оила (ҳинд-европа) га мансубдир. VII аср эмас, ҳатто ҳозир ҳам туркий аҳолининг асосий қисми араб тилини билмайди. Қуръони карим ривоятлари туркий халқлар фольклорига маҳаллий анъаналар таъсирида фақат оғзаки шаклдагина ўтган. Шунга қарамай, монографиядаги туркий ва араб халқлари мифологияси, фольклорининг илк марта қиёсий — типологик жиҳатдан ўрганилишини асарнинг муҳим янгилиги ва муаллифнинг жиддий ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

Муаллиф қайд этганидек, араб ва Марказий Осиё туркий халқлари фольклорининг ўзаро алоқалари серқиррадир. Китобда асосан эпик жанрлар қиёсий тадқиқ этилган.

Сўз араб халқлари фольклори ҳақида борар экан, беихтиёр энг аввало «Минг бир кеча» эртакларини эслаймиз. Муаллиф ушбу монографиясида араб ва туркий халқлар фольклорлари типологияси ҳамда ўзаро таъсирини мифлардан сўнг афсоналар, ривоятлар, латифалар, эртаклар мисолида ёритишга ҳаракат қилади.

Монографиянинг энг қизиқарли, илмий жиҳатдан аҳамиятли, айни пайтда мушоҳада ва мунозара қилишга чорлайдиган қисми, унинг араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлилига бағишланган учинчи бўлимидир.

Юқорида айтилганидек, асарнинг биринчи бўлимида араб фольклоршунослиги тарихи, араб фольклорининг ёзиб олиниши, хориж олимлари томонидан ўрганилиши анча батафсил ёритилган. В. Лебедевнинг араб фольклорини уч даврга, манбаларнинг ўн кўринишига таснифи келтирилган.

Умуман олганда, китоб аввалида кўрсатилганидек, у бирмунча ўқув адабиёти характерига эга. Дастлабки ишлардан бири сифатида унда илмий ахборотлар, қайдлар, қиёсий таҳлиллар нисбатининг турлича бўлиши, қиёмига етган, ҳал этилган масалалардан кўра, келгусида бажариладиган ишлар кўплиги, ушбу мавзунинг истиқболли ва кенг тармоқли эканлигини кўрсатади.

Айрим ўринларда муаллиф араб фольклорининг таъсирини бўрттириб юборганга ўхшайди. Қадимий кишиларнинг ғорларда яшаганликлари, кўпгина халқлар, жумладан, туркийларда ҳам аждодлар руҳи ғорларда бўлиши мумкинлигига ишончи бўлгани маълум. Ғорлар эса қадимги араб мамлакатларида деярли бўлмагани ҳолда, Марказий Осиё учун типик географик, табиий ҳолдир. Аналогик равишда ғор мотиви Марказий Осиё ёки бошқа бирор халқ, масалан, ҳинд фольклоридан ўзлашган дейиш мумкин. Нима бўлганда ҳам туркий халқлар фольклорига ислом динининг таъсирини инкор этмаганимиздек, уни бўрттириш ҳам шарт эмас.

Араб ва турк халқлари фольклорида эртак қаҳрамони қандай қилиб қушлар (жониворлар) тилини ўргангани мотиви талқинини учратмадик (246-бет). Муаллиф туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари фольклоридан мисол келтириб, тотемизм билан боғлайди. Бу мотив ўзбек эртакларида ҳам учрайди. Умуман, муаллиф ушбу йўналишдаги кейинги изланишларида қиёсий таҳлилларида ислом ва шомонлик, исломгача бўлган тотемизм, магия, турли культлар, шомонликнинг халқлар фольклоридаги бадиий ифодаларига янада кенгроқ тўхталса, яхши бўлар эди. Чунки бу саналганлар инсоният тарихи учун типологик ҳодиса бўлиб, шу фактнинг ўзиёқ туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари фольклоридаги жониворлар тилини тушуниш мотивини тарихан асослаб бера олади. Қолаверса, ўзбек фольклоридаги шомонларнинг бадиий образлари исталган ҳайвон ёки парранда шаклига эврила олар экан, бу шомон руҳлари ва ҳомийларига ишонч туфайлидир. Айтайлик қушга эврила олган шомоннинг қуш тилини билиши эса, мифологик мантиқ нуқтаи назаридан исбот талаб қилмайди. Жониворлар, паррандалар — тотем. Алоҳида сайланган кишиларнинг тотем тилини билишига ишончи табиий.

Ҳар қандай тадқиқотларда, айниқса, дастлабки ишларда камчиликлар, келажакда ҳал этилиши керак бўлган масалалар учраши табиий. Ш.Шомусаровнинг ушбу ажойиб кузатишлари, умумлашмалари, хулосалари қаторида жузъий нуқсонлар бор, бироқ унинг типологик ва қиёсий ўрганиши турли этник гуруҳларга мансуб халқлар фольклоридаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш асосида, умумфольклор табиатини ёритишга хизмат қилган.

Биз фикр юритган монография бой библиографик, назарий манбаларга, араб ва туркий халқлар фольклоридаги фактларнинг оммавий қиёсига асосланган билан қиёсий фольклоршуносликдаги жиддий тадқиқотлардан биридир.

А. МУСАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
Ж.ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ЭЗГУЛИК

Бугун мамлакатимиз пойтахтига нисбатан ишлатилаётган «Шарқ дарвозаси», «азим шаҳар» каби эътирофлар қаторига янгидан-янги, сермазмун атамаларни қўшиб айтиш одат тусига кирмоқда. Шу кунларда Тошкент ҳақида ўйласам, тилимга ҳам дилимга ҳам «Эзгулик пойтахти» деган ибора келаверади.

Пойтахтимиз чиндан-да жаҳон миқёсидаги йирик халқаро анжуманлар, давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари учрашувлари, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик музокаралари, нуфузли спорт мусобақалари ўтказиладиган мўътабар даргоҳга айланиб бормоқда. Яқинда бу ерда VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференциясининг бўлиб ўтгани фикримиз исботидир. Унда дунёнинг 32 давлатидан 350 дан зиёд экспертлар, таниқли олимлар, экологлар ва сув хўжалиги соҳаси мутахассислари, 30 га яқин халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтларидан вакиллар қатнашдилар. Демакки, у нафақат юртдошларимизнинг севимли гўшаси, балки хорижлик сиёсатчилар, ишбилармонлар, сайёҳлар назарига тушган дилбар шаҳар ҳамдир.



Пойтахтимизнинг мустақиллик йилларида янги қиёфага эга бўлиб бораётгани биринчи марта эътироф этилмаяпти. Аслида, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки Тошкенти азим ҳақиқатан ҳам шундай аҳамиятга эга. Кунда-кунора бирор ижтимоий объектнинг фойдаланишга топширилаётгани ҳақида газета, радио, телевидение орқали хабарлар бериб борилаётгани боис, уларни такрорлашдан тийиламиз. Таъриф учун қўлга қалам олган эканмиз, фақат бир нарсани таъкидлагимиз келди: ота-бобонгиздан сизга мерос қолган ҳовли-жойни замон руҳига мослаб таъмирласангиз, ўзингизнинг ҳам, қўни-қўшниларингизнинг ҳам кайфияти чоғ бўлади. Тошкент ҳам ана шу оддий қоида асосида тобора чирой очаяпти.

Шаҳарнинг бугунгидай кўринишга эга бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан бир нечта қарорлар қабул қилинди. Ана шулардан бири — Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 февралдаги «Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳаётга қай даражада татбиқ этилаётганини ўрганиш мақсадида «Сувсоз» трести давлат корхонасида бўлиб, аҳолига истеъмолга яроқли ичимлик сувини етказиб бериш ишлари билан қизиқдик. Маълум бўлишича, «Сувсоз» трести давлат корхонасига 2004-2009 йиллар учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган бўлиб, бу маблағ 3 та йирик ичимлик сувини тозалаш иншоотидаги эскирган насос ва электр ускуналарини замонавий, тежамкорлари билан жиҳозлантиришга сарфланибди, барча технологик жараёнларнинг автоматлаштирилишига эришилибди. Бундан ташқари, «Қодирия» сув иншоотидаги кимё-бактериологик лабораторияга ичимлик суви сифатини таҳлил қилишга мўлжалланган сўнгги русумдаги ускуналар келтирилибди.

— Аммо бу, — дейди корхона бош муҳандиси Дунанбой Қозибеков, — ҳали аҳолига тоза ичимик суви етказиб бериш масаласи бутунлай ҳал этилди, дегани эмас. Чунки жамоамиз олдида Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг 16 декабрида имзоланган «Ислом Тараққиёт банки иштирокида Тошкент шаҳар канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини ҳам таъминлаш каби масъулиятли вазифа турибди. 2014 йилда якунланиши кўзда тутилган мазкур лойиҳага кўра, шаҳардаги учта оқова сувни тозалаш иншоотини модернизациялаш, 6,5 километр масофага оқова сув учун коллекторлар қуриш, замонавий лаборатория анжомларини харид қилиш, эски техникаларни янгиларига алмаштириш режалаштирилган.

Бош муҳандис шунда шаҳар ҳудуди марказлаштирилган оқова сув тизими билан тўлиқ қамраб олинишини алоҳида қайд этди. Ўтган йили 27 та насос станцияси электр энергиясини тежайдиган қурилмалар билан жиҳозлангани боис, 5,8 миллион киловатт/соат электр энергиясини тежашга эришилгани ҳам эътирофга лойиқ. Бу йил яна ана шундай 42 та станцияни юқоридаги каби тежамкор ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади.

Дунанбой Қозибековнинг қайд этишича, «Сувсоз» трести давлат корхонаси айни пайтда шаҳардаги 614 минг 170 дан зиёд хонадонга бир суткада 1 миллион 370 минг кубометр ҳажмида тоза ичимлик сувини етказиб бермоқда. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар 332 минг 138 дона сув ўлчагич ўрнатилган. Бу жараённинг яхшигина маблағ ва вақт талаб қилиши сабабли ҳукуматимиз уни босқичма-босқич амалга ошириш лозимлигини расмий ҳужжатларда таъкидлаб ўтганини ҳисобга олсак, юқоридаги рақамлар унчалик паст кўрсаткич эмас. Бош муҳандис аҳолининг фойдаланган сув учун тўловларни амалга оширишдаги фаоллигидан мамнун эканини ҳам яширмади.

Шу ўринда газетхонларимиз эътиборини яна бир масалага қаратишни лозим топдик.

Ўрганганинг — ўзингга

Ҳунар қадри

Қўшнимизнинг қизи уйимизга тез-тез чиқиб туради. Исми — Севинч. Ўзига тўқ хонадоннинг кенжаси. Бирор юмуш билан банд бўлсам, менга кўмаклашади ёки болаларимни ўйнатиб ўтиради. Шумтакаларим ухлаб қолгач, бирга дарс тайёрлаймиз, тушунмаганларини эринмай ўргатаман. Ҳали ёш эмасми, нима қилсам шуни қайтаришга, ўрганишга уринди. Аммо...

Севинч авжи ўсмирлик палласида, яъни ўн тўрт ёшда бўлишига қарамай, бирор-бир ҳунарни билмаслиги, ҳатто қиз бола учун энг керакли бўлган игнани ҳам эплаб ушлаш қўлидан келмаслиги мени таажжубда қолдирди. «Э-э, ҳали ёшку», дейишингиз мумкин, бироқ «Қиз ўнга кирди, оила сонга кирди» деган мақол бор, ахир. Қолаверса, масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради: бугун у навниҳол қиз бола, эртага палахмон тоши бўлиб қаёққа «отилади», ўзларига мос оилага бўлса, майлику-я, лекин камхаржроқ хонадонга тушса-чи?

Ўз синглимдек бўлиб қолгани учун унинг эртанги тақдирига бефарқ қараб туролмадим — болалигимда онамдан ўрганган ҳунарлар: тикувчилик, зардўзликни Севинчга ўргата бошладим. Ишонасизми-йўқми, уч ой ичида Севинч буларни пухта эгаллаб, ҳатто замонавийлик, покиза руҳиятидаги беғубор рангларини қўшган ҳолда мендан ҳам ортиқ ва гўзал тайёрлай оладиган даражага етишди. Унга, айниқса, тўқувчилик ва зардўзлик кўпроқ ёқиб қолди. «Келинликда кийиладиган миллий зардўзи либосларимни энди ўзим, ўз қўлларим билан тикаман», деди уялибгина. Унга қараб мен ҳам қувондим.

Хуллас, Севинч илгари бирор марта нина ушламаган момиққина қўлларига нина санчилавериб, ўрни хунуклашиб қолганига ҳам парво қилмас, битирган ишларини гоҳ чироқ ёруғида, гоҳ столга қўйиб томоша қилар, ичига сиғмай суюнарди. Ўзининг айтишича, илк пайпоқчасини тўқиган куни охирига етказай, деб тунги соат учгача ухламабди.

— Энди ойижоним ва дадажонимга ўз қўлларим билан хоҳлаган нарсамни тўқиб, туғилган кунларида совға қиламан, — деди у бир куни қувонч билан.

— Албатта, кўпроқ тўқисанг, устозингга ҳам совға қилишинг мумкин, — мен ҳам уни қўллаб-қувватлаган бўлдим. — Ўз қўлинг билан тайёрлаган совғанг сотиб олинганидан кўра қадрли бўлади. Яна ортиқчасини сотиб пул ишлашинг ҳам мумкин. Фақат дарсларни четга суриб қўйма. Ўқиш биринчи ўринда бўлсин.

Шундан сўнг у негадир бир ҳафта кўринмай қолди. Хавотирланиб уйига қўнғироқ қилсам, онаси гўшакни кўтариб: «Ўзим ҳам сизга телефон қилмоқчи бўлиб тургандим», деди.

— Тинчликми? Севинч қалай? — сўрадим ҳеч нарсага тушунмай.

— Яхши, хонасидан чиқмай бир нималар тўқиб ётибди. Сўрасам, «мени безовта қилманглар, кейин биратўла кўрсатаман», дейди. Ишларини ҳам эрта туриб тез-тез битиради-да, тағин хонасига кириб кетади.

Ўн кун ўтиб, Севинч кўзлари чақнаб уйимизга кириб келди. Сабри чидолмай, эшикдан кириши билан сумкасини очди.

— Опажон, мана ўзим тўқидим? — деди бир-биридан чиройли беш жуфт ёш болалар пайпоқчасини кўрсатаркан. Хилма-хил рангларни келиштириб тўқиганини кўриб, ҳайрон қолдим. Ҳатто қиз болалар учун тўқиган шекилли, икки жуфтининг ён томонига қизил ипдан гул ҳам босибди.

— Ойим билан дадамга ҳам бир жуфтдан тўқиб бердим. Бирам суюндилар, Кейин... опа, айтганингиздек буларни сотсак бўладими?

— Нега бўлмас экан, шундай чиройли, оёқни иссиқ тутадиган пайпоқларни олишни ким ҳам хоҳламайди? — кўнглини кўтариб қўйдим. — Уларни ўзим сотиб бераман сенга.

Шу куниёқ бозорда сотувчилик қиладиган қўшни аёлга илтимос қилиб бериб юборгандим, ҳаммасини пуллаб келибди.

Севинчнинг қўлига ўн икки минг сўмни тутқазсам, аввалига ишонмади. Сўнг пулни қўлига қаттиқ қисиб оларкан: «Мен энди бундан ҳам кўп тўқийман. Шу бугундан!», дея шошиб ортига бурилди.

— Севинч, — дедим уни тўхтатиб, — анави куни бир режам бор, дегандинг. Сир бўлмаса...

— Мен бу пулларни йиғиб, ёзги таътил бошланса, тикувчилик ўқув марказига ўқишга кираман. Янада яхшироқ ўргансам, модельер бўламан...

Шу-шу Севинч меҳнатга қизиқиб кетди шекилли, бошқа бўй кўрсатмади. Уни соғиниб, яқинда қўнғироқ қилгандим, ўн тўрт эмас, ўн саккиз ёшли қиз билан гаплашгандек бўлдим.

— Севинч, пулларингни ишлатиб қўймадингми, ишқилиб? — дедим ҳазиллашиб.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз опажон? Бундан буён тўқиб сотганларимни ҳам қўшиб йиғяпман. Авваллари дадам берган қанча пулларни беҳудага сарфлаган эканман. Ўз пешона теринг билан топилган пул қадрли бўларкан. Етти ўйлаб, керакли жойгагина сарфлар экансиз. Энди ота-онамнинг пуллари қадрини билдим...

Ўша кеча мен ҳам кимгадир нафим текканидан хурсанд бўлиб, қалбим чексиз ғурурга тўлганча уйқуга кетганимни билмай қолибман.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Тарбия

Иффатдан либосу, ҳаёдан пардоз

Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир.
СУҚРОТ

Ярим тунда қўл телефоним жиринглаб қолди.

— Илтимос, телефонни эгасига беринг, — деди қандайдир нотаниш қиз.

— Эгаси менман. Сиз кимсиз?

— Нодир акам керак эди?

— Қизим, ҳозир соат неча бўлганини биласизми? Шу пайтда Нодирни нима қиласиз (гарчи Нодирни танимасам ҳам)?

— Ишим бор эди. Ўзи қўнғироқ қилмаса нима қилай, чақира қолинг, илтимос. Гаплашиб олишим керак.

— Сиз учун мен уялиб кетяпман, яхши қизлар бу пайтда...

Майин овоз кескинлашди:

— Э, бўпти, ўқитувчимисиз нима бало? Бир ками сиз қолувдингиз, менга ақл ўргатмаган!

У қаердан қўнғироқ қилди экан, уйиданми ё?.. Ота-онаси қаерда? Шу авзойи билан у кимнидир бахтли қила олармикан? Аллақачон ибо, ҳаё сарҳадини бузиб ўтиб, севги изҳор қилишда ташаббусни қўлга олган бу қизнинг севгилиси олдида қадри бўлармикан?

Миямда айланаётган ғужғон саволлардан қутулиш мақсадида иш столимга ўтириб, радио қулоғини бурадим. Радио бироз шиғиллаб турдию кейин: «Биласизми, мен кеча Дилмурод акамни хафа қилиб қўйдим. Ўшандан бўён хижолатдаман. Дилмурод ака, мени эшитиб турган бўлсангиз, илтимос, кечиринг. Энди сизнинг гапингизни сираям қайтармайман. Нима десангиз ҳам хўп дейман. Жон Дилмурод ака, илти-мо-сс... тезроқ қўнғироқ қилинг. Бўлмаса, ёрилиб кетаман...»

— Бўлди, бўлди Дилнозахон, илтижони бас қилинг, акс ҳолда йиғлаб юбораман, — гапини бўлди бошловчи йигит, — менимча, Дилмурод сизни бутун Ўзбекистон олдида кечирим сўраганингизни эшитди. Ишонаманки, агар у сизни эшитаётган бўлса, албатта, кечиради. Аразни ҳам унутади.

Радио бошловчининг беор қизга бераётган бу таскинини эшитиб «дод» деб юборай дедим. Нега бу қиз ўз шаънини бунчалик оёқ ости қиляпти? Наҳотки, маънавият улашишга хизмат қилувчи эфирлар энди ана шундай «яраш-яраш»лар, бачканаликлар, оғзига келган гапни ўйламай гапириб юбораверадиган «ғойибона совчи»га айланиб қолган бўлса?! Эҳтимол, қизларимиз, умуман, ёшларимизнинг бунчалик «эркаланиб» кетишларига шунақанги радио эфирлар ҳам сабаб бўлаётгандир.

Айрим қизларимизнинг шарқона одоб-ахлоқдан йироқлашиб кетишларига сабаб нима? Ўта тушунган ота-оналарнинг бепарволигими? Ёки ўзбек табиатига мутлақо ёт бўлган сериаллар, клипларми? Ахир, биз этагини шамол тортқилашига истиҳола қилган Офтобойимларнинг, юрагида оташаланга бўлиб ёнган ишқни ҳам ҳаё пардаси остига яшира олган Кумушбибиларнинг авлодимиз-ку! Ой юзларини ойга кўрсатишга ҳам истиҳола қилган Моҳим, Моҳларойимлар бугун калта кофта, шим, тиззасидан бир қарич юқори кўйлак кийиб, оч нигоҳларга нишон бўлаётганлар кимнингдир қизи, бошқасининг синглиси-ку? Ишонаманки, улар биринчи навбатда маънавиятимиз кушандаси бўлган «оммавий маданият» асираларидан эмас, балки уларнинг шу аҳволга тушишига лоқайд қараган ота-оналар, опа-синглиси номусини ўз ғурури деб билишни унутиб қўйган акалардан ранжиган бўлишарди.

Шу ўринда уларга Юртбошимизнинг: «Албатта фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган», деган қимматли фикрларини ўқиб, уқиб олишларини маслаҳат бергим келади. Чунки биз ўзлигига, миллий қадриятларга, кўз-кўз қилса арзийдиган ахлоқ-одобга, дунё ҳавас қиладиган урф-одатларга эгамиз. Бизнинг ибрат оладиган, суянадиган зукко аллома боболаримиз-момоларимиз бор. Илдизи минг йиллардан сув ичган буюк, улуғ миллатмиз. Фарзандини суйган, унинг келажакда комил инсон бўлишини орзу қилган ҳар бир ота-она буни яхши билиши, фарзанди онгига сингдириши керак. Айниқса, қиз бола тарбияси жуда нозик масала. Унинг бир оилада олган тарбияси иккинчи оилада синовдан ўтади. Тарбия тўғри берилган бўлса, у янги оилада бахтини топади, акс ҳолда...

"Саида, сираям ойингга ўхшамайсан-а, ойинг жудаям мулойим эди", дейман юзингга борми демай гапирадиган танишимга. У бунга жавобан ички ғурур билан шундай дейди: «Ана шу мулойимлиги учун ҳам оилада ойимнинг ўрни сезилмайди. Мен эса дадамга ўхшайман».

Афсуски, у бу шартакилиги билан нафақат оилада, жамоада ҳам эътибордан қолишини ҳис қилмаяпти. Тўғри, ҳақини талаб қилиш яхши. Бироқ бу орзусига яхши сўзи, чиройли муомаласи билан ҳам эришиш мумкинлигини тушунмаслиги ёмон.

Албатта, ҳар биримиз қизларимизнинг бахтли бўлишини истаймиз. Уларнинг камчилиги ўзимизга сезилмайди. Қолаверса, кўзимизнинг оқу қаролари суюкли, ардоқли бўлишини пардоз-андоз, ясан-тусан, ўта замонавий либослар кийиш белгиламайди. Қизларнинг либослари иффатдан, пардозлари ҳаёдан бўлса, маънавияти бой бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Бугуннинг мавзуси

ПОЙТАХТИ

Қарийб уч миллиондан зиёд кишининг ташналигини қондиришга, озода яшашларига хизмат қилаётган она табиатнинг бу неъмати Тян-Шань тоғларидан эниб, Пском ва Чотқол дарёларига қуйилади. Йўл-йўлакай бу икки дарё бирлашиб, Чирчиқ дарёсини дунёга келтиради. Биз ҳар куни чанқоғимизни қондираётган мана шу обиҳаёт қарийб уч минг йилдан буён мазкур дарё орқали Тошкент шаҳри ва вилоят аҳлига ҳаёт бахшида этиб келаётир. У Чирчиқ дарёсида шу қадар «югуради»ки, тезлиги дарёнинг айрим ўзанларида секундига 4 метрни ташкил этади. 174 километр узунликдаги Чирчиқ сув кўпайган йилларнинг май ва июнь ойларидагина Сирдарёга ўз неъматини илинади, холос. Дарё суви Тошкентнинг шарқий қисмидан бошланувчи Бўзсув канали орқали пойтахтга йўл олади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, бу ҳол қарийб 30 асрдирки, давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда Бўзсув ирригация тизими Салор, Қорасув, Толариқ, Найман, Дамачи, Кайковус, Бўрижар, Анҳор, Қорақамиш каналлари орқали шаҳарга мусаффолик ва кўрк бахш этиб келмоқда. Шунингдек, бу каналлар истеъмолга яроқли бўлмаган сувларнинг (албатта, зарарли моддалардан тозалангач) шаҳар ташқарисига оқиб чиқишига ҳам хизмат қилади.

Ота-боболаримиз сувни Оллоҳнинг буюк неъмати деб билишгани учун уни ифлослантирмасликка ҳаракат қилишгани ёзма манбаларда кўп учрайди. **Бугун фан-техника шунчалар ривожланган, одамларнинг хаёлига ҳам келмаган нарсалар кашф этилаётган бир пайтда дунёдаги ҳеч бир олим чучук сувни ярата олмаётганини, ҳеч бўлмаганда, денгиз ёки океанлардаги шўр сувларни истеъмол учун яроқли ҳолга келтира олишолмаётганини, келажакда ҳам бу ишни уддалай олишмаслигини ҳисобга олсак**, аждодларимизнинг чиндан ҳам Яратганнинг улуғ неъматига бўлган ҳурматининг маъносини англаб етиш мумкин.

...Тошкент қадимдан шарқ билан ғарбни, шимол билан жанубни боғлаган Буюк ипак йўлида жойлашгани учун савдо карвонлари қўниб ўтган масканлардан бири. Шу боис, бу шаҳарда тараққиёт сари дадил қадамлар қўйилгани хусусида анча-мунча китоблар, мақолалар ёзилган. Бу ернинг гўзал иморатлари, серунум, сувли ерлари, боғу роғлари анча-мунча савдогарлар, саёҳатчиларнинг кўзларини «ўйнатган»и ҳам бор гап. Улар юртларига қайтгач, айтиб берган ҳикояларидан таъсирланганларнинг бир қисми бу шаҳри азимни ўз кўзлари билан кўришни орзу қилган бўлсалар, яна бир қисми қўлларига қурол олиб, бу ерларни ўз мустамлакасига айлантиришни режалаштиришган. Бунга тарих гувоҳ. Ана шундайлардан бири чор Россияси генерали Черняев 1865 йилнинг майида Тошкентни босиб олиш ҳаракатларини бошлаб юборган эди.

Ўз даврининг энг замонавий қуролларига эга бўлган чор Россияси қўшини Тошкентни босиб олиб, бу шаҳарга катта талафотлар етказган. Дастлаб аёвсиз қирғинлар уюштирганига қарамай, шаҳар аҳлини таслим этолмайди. Сўнг генерал Черняев 1865 йилнинг 10 майида Тошкентдан 25 километр шарқда жойлашган Ниёзбек қалъасига йўл олади ва ҳарбий объектни вайрон қилиб, шаҳарни сув билан таъминлайдиган Чирчиқ дарёсидаги тўғонни бузиб ташлашга буйруқ беради. Натижада шаҳар аҳли анча муддат сувсиз қолиб, тинка-мадори қуригач, душманнинг шартларини қабул қилишга мажбур бўлади...

Ушбу мақолани ёзишга тайёргарлик кўриб юрганимда интернетда бир хабарни ўқиб қолдим. Унда жумладан, шундай сўзлар бор: «...1865 йилда ҳарбий ҳаракатлар даврида Тошкентни босиб олиш арафасида Черняев фармойиши билан Чирчиқнинг ўнг соҳилидаги Ниёзбек тўғони буздирилиб, шаҳарнинг (Тошкент назарда тутилмоқда — таҳририят) эски қисми сувдан маҳрум этиб қўйилган эди. Бундан шаҳарнинг янги қисмига ажратилган ҳудуд ҳам азият чекди. Шу боис, 1868-1869 йилларда тўғонни тиклаш бўйича катта ишлар олиб борилди. Унда 12 минг одам, жумладан, туб аҳолидан ҳам кўплаб кишилар иштирок этди».

Ажабо! XIX асрда ҳам «эски шаҳар», «янги шаҳар», деган атамалар бўлган экан-да? — дерсиз. Аслида ундай эмас! Ўн икки дарвоза билан ўралган Тошкентнинг бўлгани ҳақиқат. Босқинчилар бу шаҳарни назорат остида ушлаб туриш учун ҳақиқий шаҳар атрофидан ўзларига қўшимча «шаҳар» қуришгани мантиққа анча яқин. Ўша йиллардан бошлаб «янги шаҳарга» сув келтириш учун истилочилар иш бошлашгани ҳам бор гап. Аммо улар на чоризм, на шўролар ҳукмронлиги даврида ҳақиқий Тошкентнинг тоза ичимлик суви билан таъминланишига жиддий эътибор беришмаган. У пайтда «эски шаҳар» аҳолиси ҳовлиларида сув қувури жуда кам, канализация эса йўқ эди. Истеъмолга яроқсиз сув учун алоҳида ўралар қазилган, тоза ичимлик суви эса ариқ, ҳовуз ёки қудуқлардан олинган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ пойтахтимизни замон талабларига мос шаҳарга айлантириш учун астойдил бел боғланди. Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳар пешма-пеш ободонлаштирилиши лозимлиги қатъий вазифа қилиб белгиланди. «Эски шаҳар»нинг катта қисми замонавий кўчалар, бинолар қурилиши ҳисобига обод бўлди. Қувонарлиси шундаки, бу ишлар ҳозир ҳам бир сонияга бўлса-да, тўхтагани йўқ. Аксинча, шитоби юқорилаб бораяпти. Табиийки, янги бинолар замонавий коммуникация: электр, табиий газ, сифатли ичимлик суви тармоқларига эга бўлаётир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг бир қарори ижросини ўрганиш асосида шунча фактларга дуч келдик. Аслида, мақоламизга шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди, аммо гап тирикликнинг асосий манбаи — СУВ ҳақида кетаркан, яна бир глобал муаммо ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Гап шундаки, 50 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайдиган Марказий Осиёнинг ишонган боғию суянган тоғи, аникроғи, экологик мувозанатини сақлаб турувчи икки азим дарёси бор. Олам пайдо бўлганидан бери Сир ва Аму деб аталмиш бу икки ҳаёт манбаининг Тян-Шань ҳамда Помир тоғларидаги қор, музликларнинг эришидан ҳосил бўлиши ва сувини Орол денгизига қуйиб келаётгани кўпчиликка аён.

Шўро даври калтабин сиёсатдонларининг зуғуми остида ягона денгиздан айрилдик. Энди эса ўшаларнинг издошлари қўшниларимизга ўз ҳудудларида, ақл бовар қилмайдиган Роғун ҳамда Қамбар ота ГЭСларини қуришни маслаҳат бергани, керак бўлса, бунинг учун узоқ муддатли кредит ажратишни ҳам зиммаларига олиши генерал Черняевнинг совуқ ниятини эсга солади.

Яхшиямки, Юртбошимиз 2010 йилнинг сентябрь ойида бўлган БМТнинг Мингйиллик саммитида бундай ҳаракатнинг қанчалар бемаъни ҳамда хавфли эканини таъкидлаб, халқаро экспертиза ўтказилганидан кейин бу ишга қўл уриш мақсадга мувофиқлигини қаттиқ туриб талаб қилди. Яхшиямки, бу муаммоларни кенгашиб, ётиғи билан ҳал этиш йўллари изланмоқда.

Мақолани Юртбошимизнинг VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференцияси иштирокчиларига йўллаган қутлов мурожаатидаги қуйидаги сўзлар билан якунлашни ўринли деб билдик: «Ўзбекистон Сув форумининг ичимлик сувидан фойдаланиш имкони инсоннинг энг асосий ҳуқуқи экани, сув тақчиллиги энергетик ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқ экани тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, сув ресурсларининг ялпи тақчиллигини, ҳалокатли техноген, экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини катта хавф остида қолдиради.

Шу маънода минтақамиз халқлари учун трансчегаравий дарёлардан умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатни таъминлайдиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда».

Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Туйғулар

Журналист Йўлдош Исоқжонов газетамизнинг фаол муаллифларидан саналади. У киши таҳририятимизга Андижон вилоятидан мунтазам равишда жамият ҳаётидаги ва одамлар дунёқарашидаги ўзгаришлар, Истиқлол ҳадя этган неъматлар, деҳқону фермерларимизнинг бебаҳо тажрибалари, экология мавзуларида долзарб мақолалар жўнатиб туради. Мана, бир неча йилдирки, Й.Исоқжонов имзоси билан эълон қилинаётган мақолалар ўзининг мукаммаллиги ва мулоҳазакорлиги билан муштарийларимиз ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда.

Тажрибали журналист Й.Исоқжонов яқинда "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти танловининг «Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун» номинациясида ғолиб деб топилди. Ҳамкасбимизни бу олий мукофот билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Қуйида журналистнинг содда ва дўлвор қишлоқ одамларининг матонати, куч-ғайрати ҳамда Ватандан айро тушган кишиларнинг соғинчи, ички изтироблари, қалб туғёнларини ўзида зуҳр этган иккита сержило лавҳаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ҚОРАБАЙИРНИНГ САДОҚАТИ

Янгиқишлоқ билан Хаққулобод шаҳри ўртасида жойлашган қўрикда чавандозлар тўплана бошлади.

— Бугунги томоша зўр бўлади-да, — деди тепаликнинг энг юқорисидан ўрин олган томошабинлардан бири. — Бу ерга фақат Андижондан эмас, қўшни вилоятлардан ҳам чавандозлар келишибди. Аммо Тоғай чавандознинг бу улоқда қатнашмаслиги чатоқ бўлди, унинг оёғи лат еган, дейишди.

Кўп ўтмай ҳаммаёқни отларнинг дўпири, чавандозларнинг ҳайқириқлари тутиб, кўпкари бошланди. Шу тобда ўғли Олтинбойнинг ёрдами билан отидан тушиб олган Тоғай ака ҳам бир четга ёнбошлади. Чавандозлар от туёқлари остидаги танани олишга зўр бериб уринишар, бир-бирларини суриб унга яқинлашишга интилишарди. Бироқ кўпкари бошланганига анча вақт бўлганига қарамай турли жойлардан келган чавандозлардан бирортаси улоқни даст ўнгариб ололмади.

— Тоғай қани, чавандозлар орасида кўринмайди-я, у бўлганида аллақачон кўпкари қизирди...

Тоғай акадан сал наридаги тепалик устига ўрнашиб олган бир гуруҳ томошабинлар ҳар томонга қараб кўпкари чопишда қишлоқда довруғ қозонган қахрамонни излаб қолди. Шу пайт одамлардан нарироқда қулоқларини чимириб турган садоқатли қорабайир икки оёғини юқорига кўтариб кишнади-да, кўпкарини кузатиб турган Тоғай аканинг ёнига келиб тиззаларини букди. Унинг кўзлари ёниб «Қани бўлинг, менинг сабрим тугади», дегандек чавандозига тикилиб турарди. Оёқларидаги оғриқдан ўзини ўнглай олмай ётган Тоғай акага ғайрат кирди, амаллаб эгарга чиқиб, маҳкам ўрнашди. Даст ўрнидан турган тулпор яшиндек келиб ўзини отлар галасига урди. У чавандозларнинг сиқувига, чор атрофга, қамчи уришларга қарамай танага яқинлашарди. Мана, оёқлар остида тана ётибди. Тоғай қорабайирнинг ўнгарига ёнбошлаб унга қўлини чўзди. От шу заҳотиёқ олдинги икки оёғи билан чўкка тушди. Чавандознинг қўли танани ушлаган заҳоти қорабайир қаддини тиклаб, олдинлади.

— Улоқ Тоғайда кетди, яша чавандоз!

Атрофни ҳайқириқлар тутди. Тоғай ака қўриқни бир айлантириб танани чавандозлар тўдасидан сал нарироққа ташлади. Қорабайир терга пишиб кетган, Тоғай ака оёғидаги оғриқни ҳам сезмасди. Унинг кўзларидан шашқатор ёш оқар, қўллари билан отининг ёлини силарди. Қорабайир эса қулоқларини чимириб, худди ҳозир қанот чиқариб учиб кетадигандек, адоғи кўм-кўк осмон билан чирмашиб кетган ям-яшил адирлар томон мағрур тикилиб турарди.

ТУПРОҒИНГ КЎЗИМГА ТЎТИЁ, ВАТАН!

Тошкентдан Наманганга йўл олган «Дамас» шамолдек елиб бормоқда. Йўловчиларнинг ҳайдовчи ва мендан бошқа барчаси аёллар. Уларнинг катта-кичик тугунларидан узоқ сафардан келишаётганини билиш қийин эмас. Ҳамма ўз ўй-хаёли билан банд. Зерикарли сукунатни аёллардан бирининг шукронаси бузди.

— Яратганга минг бора шукур, ўз юртимиздамиз...

Унинг овози титрарди. Ортимга секин ўгирилдим, кўзлари ёшга тўлган, лаблари билан пичирлаб дуо ўқирди.

— Опа, тинчликми? — сўрадим ўзимда журъат топиб.

— Тинчлик, тинчлик, — деди у.

Сўнг бироз тин олиб, кўз ёшларини артгандек бўлди.

— Шундай юртимизнинг қадрига етмай, ўзга жойдан иш қидириб борибмиз. Роса адабимизни едик. Қип-қизил чўл, қамишзор, қумлик, чанг-тўзонни айтмайсизми? Суви ҳам шўр, ичиб роҳат топмайсиз. Ўша ерда топган пулимизни шу ерда ҳам топардик. Ўзга юртда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўл, деб бежиз айтишмаган экан. Шуларни эслаб кўнглим тўлиқиб кетди...

— Ҳув анави сув чиқиб турган жойни кўряпсизми? Шу ерда тўхтатиб туринг ука, — ҳайдовчига мурожаат қилди яна бир кўҳликкина аёл. — Юз-қўлимизни ювиб олайлик...

Машина тўхташи билан аёллар катта қувурдан фавворадек отилиб чиқаётган сув томон юришди. Тўйиб-тўйиб сув ичишар, бир-бирларига сув сочиб, худди ёш болалардек қувонишарди. Во ажабо!.. Ҳозиргина вужудларида ҳорғинлик, маъюслик сезиб турган аёлларнинг юзлари эндигина тандирда нон ёпиб келган келинчакларники каби лов-лов ёнар, ҳусни жамоли чандон очилганди. Ёниб турган қоп-қора кўзларида юрти, фарзандлари ҳамда висол чоғларини соғинганларини англатувчи ҳислар зоҳир эди. Қаршимда гўёки чанг-тўзонли қумликларга бурканган сахролардан чиқиб келиб жаннатга тушган Барчину Кумушлар туришарди. Мен тўрт фасли мукаммал бўлган Ўзбекистоннинг ҳавоси, тупроғи, қуёшининг куч-қудратини, сувининг эса нақадар шифобахш, ҳаётбахшлигини кўраётган эдим улар тимсолида. Шу тобда дунёда тенги йўқ ўлкам, Ватаним, халқим борлигидан фахрланиб кетдим.

Машина Задарёга кириб келди. Ҳамроҳларим киндик қонлари тўкилган тупроқларига етиб келди.

Улар машинадан тушибоқ, тиз чўкиб тупроқни ўпишди. Она замин дийдори насиб этганидан шод эдилар... «Дамас» ўрнидан силжиди. Қизариб ботаётган қуёш остидаги кенгликларга тикилиб борар эканман, лабларим оҳиста пичирлади: «Тупроғинг кўзимга тўтиё, Ватан!».

Маҳалла фидойилари

Меҳнат — кўнгил роҳати

Яқинда — Хотира ва қадрлаш куни арафасида табаррук айём билан муборакбод этиш ниятида пиру бадавлат инсон, узоқ йиллик қадрдонимиз — Рустам ака Саидаминовнинг хонадонига борганимизда, отахон ҳозиргина Юнусобод тумани ҳокимлигидаги фахрийлар йиғилишидан чиқиб уйга келиб турганини айтиб, бизни қарши олди.

— Ўзларингизга маълум, мамлакатда маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг навбатдаги сайлови бўлаяпти. Жудаям муҳим ва масъулиятли умумхалқ тадбири, — деди Рустам ота бизга мажлис ҳақида маълумот бериб. — Туманимиз ҳокимлиги раҳбарлари биз, қарияларнинг шу масалада фикр ва қарашларимизни эшитиш, маслаҳатлашиш учун ҳузурига таклиф этган экан. Йиғилишда маҳаллаларда сайлов қандай бораётгани тўғрисида ўз кўрган-билганларимизни баён этдик, сайловни янада яхшироқ ташкил этишга доир таклифларимизни бердик. Ҳокимиятдагилар мамнун бўлишди. Фойдали, муҳим қарор қабул қилинди ва уни бажариш учун ишга киришилди.

Рустам ота Саидаминов авжи 80 ёш устида. Аммо ҳаракатчан, тетик-бардам. Деярли ярим аср давомида коммунал хизмат кўрсатиш тизимида сидқидилдан меҳнат қилди. Бугун гарчи, болишга ёнбошлаб тинч, хотиржам яшаш довонига етган бўлса-да, эл-юрт хизматидан чеккада, қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Юқорида айтганимиздек, уни гоҳ туман ҳокимлигидан, гоҳ маҳалла фуқаролар йиғинидан йўқлаб, қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар сўраб, жамоатчилик ишларига фаол жалб этиб туришибди.

— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олиб, шу соҳада фаолиятимни бошлаганман. Аммо ҳаёт мени турли жабҳаларда синаб кўрди. Балки, тоблади, — дейди отахон биз билан суҳбатда. — Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги илмий-техник-ахборот ва тарғибот институтида илмий ходим бўлиб ишладим. Кейинги йиллар коммунал-маиший хизмат тизимида хизмат қилдим. Қорақалпоғистонда коммунал хўжалик ишларини йўлга қўйишга ҳисса қўшдим.

Саҳро қуёши, гармсел ва қумларни тўзон қилиб учирадиган изғирин шамоллар ҳудуди бўлган Қорақалпоғистон шароитида, айниқса, коммунал-маиший хизматга алоҳида эҳтиёж мавжуд эди. Аҳолини газ, энергия, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш, корхоналар, таълим, тиббиёт муассасаларида коммунал-маиший хизматни ўрнига қўйиш катта маблағ, фидойи меҳнат, алоҳида тадбиркорлик ва малакани талаб этарди. Уч йиллик меҳнатим мобайнида бу ўлкада соҳанинг моддий-техник базасини ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича бор куч-ғайратимни сарфлаб, шу ишга муносиб ҳисса қўшганлигимдан мамнунман.

Рустам отанинг рафиқаси Лобархон ая кўп йиллар халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатди. Бугун онахон ҳам нафақада. Уларнинг уч ўғил, бир қиз — тўрт нафар фарзандлари бор. Ҳаммалари олий маълумотли ва аксарияти ота касбини давом эттириб келмоқда. Отахоннинг тўққиз нафар невараси, уч нафар невараси мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида тарбияланишмоқда.

— Болаларим ва невараларимга доим бир ўгитни уқтирганимуқтирган: элга доимо ҳалол, пок ва сидқидилдан хизмат қилишдан адашманг. Меҳнатни кўнгил роҳати, деб билинг. Мана шундай яшаб меҳнат қилсангиз, сиздан эл-юрт ҳам мамнун бўлади, ўзингиз ҳам ҳаётингизда барака ва бахтга эришасизлар, — дейди Рустам ота.

М.САФАРОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Қадрият

Куйла, чанқовузим!

Чанқовуз наволарини кўп эшитгансиз. Ўша пайтда кўнглингиздан нималар кечган? Сиз ҳам мен каби ўйларингиз ипига ўралиб, яхшиёмон кунларингизни, қувончу ташвишларингизни бир-бир кўз ўнгингиздан ўтказгандирсиз. Зотан, "ғийнг, ғийнг, ғийнг, ғийнг" дея тилга кираётган чанқовуз навоси инсонга ажиб туйғулар туҳфа этишга қодир.

"Болалигимда бувижонимнинг қўлидаги кичкинагина шу матоҳга қизиқиш билан осилганимда ундан сеҳрли оҳанг янграшини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Илк бор унинг наволари оғушида тебранганимда эса тамоман маҳлиё бўлиб қолганман. Қалбимда илдиз отган бу қизиқиш менинг ҳам чанқовуз ушлашимга туртки бўлган. Чанқовузни тишнинг орасида маҳкам ушлаб туриб, дам олмасдан наво чиқариш жуда мушкул. Дастлаб узоқ дам олмасдан чанқовуз чертсам, бошим айланиб, кўп вақтгача ўзимга кела олмай юрардим... Чанқовуз қўлимдан тушмади. Уни "ғийнг"иллатишдан чарчамадим. Ахири, ниятимга етдим. Созни ўзимга бўйсундирдим."

Ҳа, Тамара опанинг гапларида жон бор. Табиатидаги бу қизиқиш уни санъат соҳасининг гўзал гўшалари томон етаклаб борди. Меҳрибон ота-онасидан, қадрдон дўстларидан, болалик онлари ўтган қишлоғидан йироқда — шаҳарга ўқишга келганида унинг қалбига юпанч бўлган бирдан-бир таскин бувижони чўнтагига солиб қўйган чанқовуз эди.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам Нукус маданият ўқув юртининг халқ созлари бўлимида сабоқ ола бошлаган Тамара Пирлепесова ўша дамларда ўзини санъат соҳасининг қайноқ ҳаётига тушиб қолгандек ҳис қилди. Устози Тажетдин Аллаясов ундаги иқтидорни сезиб, астойдил сабоқ бера бошлади. У энди ҳар куни эртаю кеч машқ қилар, устозининг қаттиққўллиги ва талабчанлигига дош берарди. Бу қийинчиликлар, тинимсиз ҳаракатлар бесамар кетмади. Чанқовуз шайдоси бўлган Тамарага муваффақиятлар ўз эшикларини бирин-кетин очиб бера бошлади. У "Етим қиз", "Атшўк чақирганда", "Сингсув", "Қувулжуғи" каби наволарни зўр бериб чаладиган бўлди. Эшитганлар унинг маҳоратига таҳсинлар айтди.

Чанқовузни айрим жойларда эркаклар ҳам чалади. Қаҳрамонимизга ўхшаган хотин-қизлар эса уни сайратиб юборади. Сабаби, авваллари қизлар кўнглидаги сирларини чанқовуз чалиш орқали маълум қилишган. Одатда, уни сой бўйига сув олишга борганларида ёки қиз-йигитлар даврасида чалишган. Шунинг учун ҳам "Қизларнинг дарддоши, ҳамроҳ — чанқовуз" деган қуйидаги шеър яратилган.

Онам чанқовузин қўлига олиб,
Етим қиз ноласин чалди тўлғониб.
Мен қоларман, тилсиз, ўйларга толиб,
Қизларнинг дарддоши, ҳамроҳ — чанқовуз.
Қизлар сувга бориб келади экан,
Сувга бориб сирин очади экан.
Дардли қизнинг қайғусини бўлишган,
Қизларнинг дарддоши, ҳамроҳ — чанқовуз...

Тамара опа шеърни таъсирланиб, хаёл денгизига чўккунча айтар экан, кўзига ёш олди. "Бу шеърни менга бир пайтлар бувим айтиб берган эдилар. Бувимни эслатиб юборди" дея шеърнинг қолган қисмини кейинроқ айтиб беришга ваъда қилди.

Сочига оқ оралаган Тамара опа чанқовузида наво чертганида уни ўн саккиз яшар қиздан кам кўрмадим. Унинг оҳанг оғушида солланиб кўриб, "Яшанг, опа!" деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

"Ғийнг, ғийнг..." Чанқовуз яна ўзидан оҳанг тарата бошлади. Бу оҳанг қанот олиб, ташқаридаги шамол билан узоқ-узоқларга таралди. Худди шу вақт, назаримда, бутун борлиқдаги ҳаракат бу ажиб навога қулоқ тутгандек тўхтаб қолди. Гўё табиат бу соз оҳангларидан сархуш, маст эди...

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Спорт

БРОНЗА МЕДАЛЬ — ДУСАНОВАДА

Жанубий Кореянинг Тегу шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича IAAF World Challenge мусобақасининг тўртинчи босқичида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этдилар.

Нуфузли мусобақада баландликка сакраш бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилган Светлана Радзивил ва Надежда Дусанова 1 метру 88 сантиметрни забт этди. Қўшимча кўрсаткичларга кўра, Надежда Дусанова бронза медалини қўлга киритган бўлса, Светлана Радзивил кучли тўртликдан жой олди.

Бундан олдин мазкур мусобақада тажрибали спринтеримиз Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш бўйича иккинчи ўринни эгаллаган эди.

ОЛИМПИАДА СОАТИ ЎРНАТИЛДИ

Сочи шаҳри марказида 2014 йилда бўлиб ўтадиган қишки олимпиаданинг бошланишига қанча вақт қолганини кўрсатиб турадиган соат ўрнатилди. Эътиборли томони, соат мусобақа бошланишига минг кун қолганида ишга туширилди.

Шаҳар мэри Анатолий Пахомовнинг таъкидлашича, ушбу соат ҳар сафар бир минут вақт ўтгани ҳақида маълум қилганида, олимпиада ташкилотчиларига янада тезкорлик билан ишлаш кераклигини эслатиб туради. Шунингдек, ҳозир дунё аҳлини лол қолдириш учун шаҳарда бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

«Сочи — 2014» ташкилотчилари томонидан қурилган соатнинг баландлиги 4,2 метр, узунлиги 4,4 метрга тенг. Оғирлиги эса 3,5 тонна.

МАВСУМДАГИ ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБА

Сербиялик теннисчи Новак Жокович жорий мавсумда "Мастерс" турнирига кирувчи тўртинчи мусобақада ғалабага эришди.

Рим шаҳрида ўтказилган Internazionali BNL d'Italia-2011 мусобақасининг финалида Н.Жокович дунё теннисчилари рўйхатида биринчи ўринда турган испаниялик Рафаэл Надалга қарши кортга тушди. Қизиқарли кечган баҳсда у ҳар икки сетда ҳам бир хил – 6/4 ҳисобида зафар қучди.

Эътиборли томони, "Мастерс" турнири доирасидаги мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсларида кетма-кет тўртинчи марта Рафаэл Надал Новак Жоковичга мағлуб бўлмоқда. Умуман олганда, икки теннисчи кортда ўзаро 27 марта тўқнаш келган. Уларнинг 16 тасида испаниялик теннисчининг қўли баланд келган бўлса, 11 та беллашувда сербиялик спортчи устунлик қилган.

Мазкур ғалабадан кейин Новак Жокович 438 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ билан бирга 1000 рейтинг очкосини қўлга киритди.

РЕКОРД ЯНГИЛАНИШИ МУМКИН

Мадриднинг «Реал» клуби етакчиси Криштиану Роналду Испания чемпионатининг 37-туридан ўрин олган "Вильярреал" жамоаси билан бўлиб ўтган ўйинда дублга эришиб, голлар сони бўйича анча йиллар олдин қироллик клуби тарихида афсонавий футболчи ҳисобланган Уго Санчес ўрнатган рекордга деярли яқинлашиб қолди.



— Мен ўзимни жуда яхши ҳис этаяпман, — дейди футболчи ўз интервьюсида. — Очиғини айтганда, жорий мавсумда шунча гол ура олишимни хаёлимга келтирмаган эканман. Рекорд ҳақида нима дейишим мумкин? Уго Санчес қайд этган натижага етиб олишим учун олдинда яна битта учрашув бор. Бироқ рекорд менинг шахсий мажбуриятим эмас.

Нозима МАМАТОВА тайёрлади

Билиб қўйган яхши

Витаминга бой қулупнай

Муқаддас заминимизда ўсадиган ва мева берадиган ҳар бир дарахту гиёҳнинг ўз шакли, тотимазаси, шифобахшлиги ўзгача. Республикамизнинг омилкор деҳқонлари етиштирган, селекциялаштирган қулупнай турлари — "Виктория", "Ананас", "Жайдари"нинг ҳар бири йирик, серҳосил, мазали, шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Бобом — Азлархон Юсуфхон ўғли "Қулупнайни тўйиб-тўйиб е, касал бўлмайсан. Унинг танангдаги қуввати бир йилга етади", деганда минг бор ҳақ экан. Ёшим улғайгач билсам, бу гапда тиббий сир бор экан.

Биолог олим Ғайбулла Шерматовнинг маълумотларига кўра, қулупнайнинг таркибида 5,6-9,2 фоиз қанд, 1,3-1,8 фоиз инсон учун энг зарур органик кислоталар, 50-60 миллиграмм С витамини, микро ва макроэлементлар, шунингдек, мия фаолиятини яхшиловчи фосфор, қонни кўпайтирувчи темир мавжуд. Бу унинг нақадар шифобахшлигидан далолат бериб турибди. Шунинг учун ҳам халқ табобатида минг йиллар давомида табиблар қулупнайдан камқонликни, паришонхотирликни, хафақонликни даволашда самарали фойдаланиб, беморларни даволашган. Ҳаттоки, ўт пуфаги ва буйракдаги тошларни, йирик қумларни майдаловчи хусусиятга эга бўлгани учун ундан унумли фойдаланишган.

Бундан ташқари, табиблар қулупнайдан қўл, бармоқлар орасидаги экзема (қичима)ни бартараф этишда суртма сифатида фойдаланишган. Баъзан сассиққекирдакни даволаш учун қулупнай баргининг бир чимдимини 200 грамм сувга солиб, паст оловда қайнатгач, томоқни кунига 3 марта ғарғара қилиш тавсия этилади. Ёш болалардаги гижжани тушириш учун уларга қулупнай изидан пиёз ёки саримсоқпиёз едириб юборилса, гижжа ва ошқозонга жойлашиб олган 1,5-2 метрли хавфли солитерни ҳам тушириши амалда исботланган.

Ҳа, диёримизда ўсган ҳар бир гиёҳ, дарахт инсон саломатлигини сақлашга хизмат қилади. Фақат улардан ўз ўрнида, меъёрида фойдаланиш керак, холос.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
халқ таълими фидойиси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 00 15

® — тижорат белгиси.

Адади: 8456 Буюртма — Г-526 123 5